

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

14-сон
(1086)
2023 йил
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

106. «Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда илмий ёндашувларни кенгайтириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги ПҚ–108-сон қарори
107. «Аҳолини сифатли истеъмол товарлари билан таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги ПҚ–110-сон қарори
108. «2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 5 апрелдаги ПҚ–113-сон қарори
109. «Маъмурий ислохотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғри-

сида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 апрелдаги ПҚ–114-сон қарори

110. «Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 апрелдаги ПҚ–115-сон қарори

Учинчи бўлим

111. «Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 6 апрелдаги 143-сон қарори

Бешинчи бўлим

112. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 27 февралдаги 02-сон «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудда фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-91) қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-11*)
113. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 3 мартдаги 343-В-12-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2023 йил 1 мартдаги 8-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-10*)
114. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 3 мартдаги 357-В-5-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2023 йил 24 февралдаги 7-сон «Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3266-3*)
115. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2022-yil 4-apreldagi 5-mh-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida

sud ekspertizasini o'tkazish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomani tasdiqlash haqida"gi buyruq, shuningdek unga o'zgartirish va qo'shimchalarni o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida"gi burug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 5-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2202-6*)

116. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 28 мартдаги 8/11-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-10*)
117. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 3 апрелдаги 7-сон «Халқ таъбиотини ривожлантириш марказларига тингловчиларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3426*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

106 Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда илмий ёндашувларни кенгайтириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–269-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар ижросини самарали амалга оширишда илмий ёндашувлар ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги:

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институтини (кейинги ўринларда — Институт);

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабини (кейинги ўринларда — Олий мактаб) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятининг устувор йўналишлари 2-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби раҳбарларини тайинлаш, ходимларига тиббий хизмат кўрсатиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва устама белгилаш тартиби 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Институт ва Олий мактаб фаолиятининг устувор йўналишлари самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

Институт таркибида ҳудудларда ер ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уларни оптимал тақсимлаш орқали бандликни таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш юзасидан муаммоларни ўрганиш ва амалий таклифлар тайёрлашга йўналтирилган юридик шахс бўлмаган «Ер ислохотлари маркази»;

Олий мактаб тузилмасида юридик шахс бўлмаган «Яшил иқтисодиётни

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 4 апрелда эълон қилинган.

** 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

илгари суриш ва жорий этиш» лойиҳа офиси ва Бизнес инкубатор ва стартап лойиҳалар билан ишлаш маркази ташкил этилсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров):

Институт ва Олий мактабнинг бошқарув ҳамда илмий педагогик ходимларини аттестациядан ўтказиш ҳамда замонавий талабларга мос юқори малакали кадрлар билан тўлдириш;

Институт ва Олий мактабнинг Васийлик кенгаши орқали уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ва моддий-техника базасини яхшилаш чораларини кўрсин.

5. Худудлар ва соҳалар кесимидаги муаммоларни жойларга чиқиб ўрганиш, аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида сўровномалар олиб бориш, мунтазам равишда Ўзбекистон иктисодчилар форумини ташкил этиш, хорижий экспертларни жалб қилиш ҳамда ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида Институт қошида юридик шахс бўлмаган Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш жамғармаси ташкил этилсин ва унинг молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Давлат бюджетидан ҳар йили Институтнинг бир йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 40 фоизи миқдоридан ажратиладиган маблағлар; қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Қўйидагилар Институт ва Олий мактаб фаолиятининг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети параметрларида Институт ва Олий мактаб фаолият кўрсатиши учун назарда тутилган маблағлар, 2024 йилдан бошлаб белгиланган тартибда Давлат бюджети параметрларида кўзда тутиладиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Институт ва Олий мактаб фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг низомларини тасдиқлаш, моддий-техника базасини яхшилаш ва бошқа ташкилий-техник масалаларни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 4 апрель,
ПҚ–108-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги
ПҚ–108-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий
тадқиқотлар институти фаолиятининг
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

1. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида тегишли йилларга мўлжалланган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда илмий асосланган таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

2. Ҳудудларда ер ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уларни оптимал тақсимлаш орқали бандликни таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш юзасидан муаммоларни ўрганиш ва амалий таклифлар тайёрлаш, шунингдек, ер ислохотларига оид замонавий бозор механизмларини жорий этишда иштирок этиш.

3. Жойларда мавжуд муаммоларни бевосита ўрганган ҳолда иқтисодий ўсиш нуқталари ва ривожланиш драйверларини аниқлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

4. Мамлакатда иқтисодий кўрсаткичларни доимий равишда ҳудудлар кесимида таҳлил қилиб бориш, эришилаётган натижалар асосида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадини ошириш борасида илмий ва амалий тадқиқотларни олиб бориш ҳамда шулар асосида соҳадаги устувор йўналишларни белгилаш ва самараси юқори бўлган молиявий механизмларни ишлаб чиқиш.

5. Иқтисодиётда бозор механизмларини ва рақобатни ривожлантириш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида бизнес муҳитини яхшилаш ҳамда халқаро рейтинг ва индексларда мамлакат мавқеини ошириш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

6. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг боришини комплекс баҳолаган ҳолда асослантирилган экспертлик хулосаларини тайёрлаш ва натижаларини даврий чоп этиб бориш.

7. Ҳудудлар ва соҳаларни ривожлантиришга таъсир қилувчи ташқи хавфларни ўрганиш ва уларнинг салбий таъсирини камайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

8. Иқтисодиётда меҳнат унумдорлиги, капитал қиймати самарадорлиги, энергия, сув ва бошқа ресурслар тежамкорлигини баҳолаш ҳамда барқарор ривожланишга қаратилган миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш самарадорлигини ўрганиш.

9. Ҳудудлар кесимида асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларини таҳлил қилиб бориш, уларга талаб ва таклиф ҳажмини аниқлаш, нархларнинг ўсишига таъсир этувчи бевосита ва билвосита омилларни таҳлил қи-

лиш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш ҳолати тўғрисида маълумотларни тайёрлаш.

10. Урбанизация жараёнларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш, турар жойларни муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма билан биргаликда қуришни инобатга олган ҳолда урбанизация жараёнларини мувофиқлаштиришда иштирок этиш.

11. Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги фаолиятини илмий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда ислоҳотлар натижадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги
ПҚ–108-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятининг УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. «Бизнесни бошқариш» (МВА) ва иқтисодиётнинг талаб юқори бўлган бошқа мутахассисликлар бўйича магистрлар тайёрлаш, шунингдек олий таълимдан кейинги таълимни амалга ошириш.

2. Замонавий иқтисодий билимлар бўйича вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият вакиллари, ҳоким ўринбосарлари ҳамда иқтисодиёт тармоқларида кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

3. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари малакаси ва уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тренинг, семинар ва мастер-класслар ташкил этиш, уларга аҳоли билан самарали ишлашни ўргатиш, бир маҳаллада юқори самара кўрсатаётган тажрибаларни бошқа маҳаллаларга қўллаш амалиётини жорий этиш.

4. «Яшил» технологияларни жорий этишнинг институционал асосларини ривожлантириш, илмий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда мазкур соҳада кадрлар малакасини оширишда етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.

5. Кичик инновацион бизнес ва стартап ғояларни лойиҳа даражасига етказишда консалтинг хизматларини кўрсатиш, шу жумладан бизнес экотизминини шакллантириш, менежмент, маркетинг, бухгалтерия, ҳуқуқий масалалар ҳамда бошқа профессионал мутахассисларнинг менторлик хизматларини кўрсатиш.

6. Қўшма икки диплом (dual degree) дастурлари бўйича Quacquarelli

Symonds (QS) ва Times Higher Education (THE) ҳамда бошқа халқаро рейтингларда етакчи бўлган ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш.

7. Тадбиркорлик экотизими, кадрлар салоҳияти ва ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича таҳлилий маълумотлар ҳамда экспертлик хулосаларини тайёрлаш ва натижаларини даврий чоп этиб бориш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**107** Аҳолини сифатли истеъмол товарлари билан таъминлаш-
га қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, сертификатланмаган, сақлаш муддати ўтиб кетган, контрафакт ва истеъмолга ярқсиз товарларни ишлаб чиқариш ҳолатлари ҳамда уларнинг айланмасига чек қўйиш, аҳолини сифатли истеъмол товарлари билан таъминлаш мақсадида:

1. Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлигининг қўйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ қилмиш учун жавобгарликни кучайтириш;

этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ қилмиш учун жавобгарликни ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб ўрнатиш;

санитария қонунчилиги ва ветеринария, ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун белгиланган маъмурий жавобгарликни кучайтириш;

ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, географик кўрсаткичидан, товар келиб чиққан жой номидан, адаштириб юбориш даражасида улар билан ўхшаш бўлган белгидан ёки фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

белгиланган талаблар ва шартларнинг қўпол равишда бузилиши оқибатида лицензияси бекор қилинган ёки хабардор қилиш тартибида фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириши тугатилган тадбиркорлик субъектларига 1-иловага мувофиқ фаолият турлари билан шуғулланишига қўйиладиган чекловларни белгилаш.

Бош прокуратура Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан тегишли қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

2. Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, сертификатланмаган, сақлаш муддати ўтиб кетган, контрафакт ва истеъмолга ярқсиз товарларни ишлаб чиқариш ҳолатлари ҳамда уларнинг айланмасига чек қўйишда жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг қўйидаги тартиби жорий этилсин:

2-иловага мувофиқ мурожаатлар ягона ахборот тизими орқали қабул қилинади ва улар ваколатли органлар томонидан қисқа муддатларда кўриб чиқилади;

ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар рағбатлантирилади;

мусодара қилинган хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган озиқ-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 5 апрелда эълон қилинган.

овқат ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари иштирокида йўқ қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда 2-иловада кўрсатилган мурожаатларни ягона ахборот тизими орқали қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тартибини тасдиқласин.

3. Белгилансинки:

2023 йил 1 июлдан бошлаб кўпикланадиган ва табиий вино маҳсулотлари акциз маркалари билан маркаланмайди;

2023 йил 1 августдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг товар белгилари белгиланган тартибда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг мавжудлиги алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун лицензия талаби ҳисобланади;

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб тамаки маҳсулотининг улгуржи ва чакана савдоси, пиво маҳсулотининг улгуржи савдоси хабардор қилиш тартибда амалга оширилади, бундан алкоголь маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси бўйича лицензия ёки хабарномага эга бўлган субъектлар мустасно;

бириктирилган ҳудудда контрафакт ва истеъмолга яроқсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолатларнинг содир этилиши ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари фаолиятини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

биржа савдоларида харид қилинган истеъмол ва техник этил спиртининг ўз эҳтиёжидан ортган қисмини реализация қилиш фақат биржа савдолари орқали амалга оширилади;

йил давомида биржа савдолари орқали харид қилинган истеъмол ва техник этил спирти миқдори тадбиркорлик субъектларининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати учун истеъмол ва техник этил спиртининг талабига нисбатан 110 фоиздан ошганда, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси тегишли ваколатли органлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда ушбу тадбиркорлик субъектлари томонидан истеъмол ва техник этил спиртидан мақсадли фойдаланилишини жойига чиққан ҳолда ўрганади.

5. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси тадбиркорлик субъектларининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати учун истеъмол ва техник этил спиртининг талаби ҳамда биржа савдолари орқали харид қилинган истеъмол ва техник этил спирти миқдорининг ҳисобини юритиб борсин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда:

«Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимини «Электрон ҳукумат» тизимининг Рақамли маълумотлар

платформаси билан интеграция қилиш ҳамда ундаги маълумотлардан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ваколатли давлат органлари томонидан фойдаланиш имконини яратиш чораларини кўрсин;

лицензия (хабардорлик) талаблари ва шартларини бажармаган тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда чоралар кўрсин ва ҳар чоракда натижасини оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка эълон қилиб борсин;

2023 йил 1 июнга қадар алкоголь ва тамаки маҳсулотлари акциз маркаларининг янги намунасини жорий этиш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда лицензия, рухсат бериш ҳужжати ёки хабардорлик фаолияти (ҳаракати) тўхтатилган, бекор қилинган (туғатилган) тадбиркорлик субъектларининг хатланмаган ишлаб чиқариш хомашёлари ва реализация қилинадиган маҳсулотларини сотиш тартибини назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Адлия вазирлиги контрафакт товарлар муомаласига барҳам бериш мақсадида уч ой муддатда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар бўйича назорат харидини амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Бош прокуратура бир ой муддатда истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, сертификатланмаган, сақлаш муддати ўтиб кетган, контрафакт ва истеъмолга яроқсиз товарларни ишлаб чиқариш ҳолатлари ҳамда уларнинг айланмасига чек қўйишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ текширувларни ўтказиш тартибини такомиллаштириш бўйича тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига:

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда сифатсиз ва қалбаки товарларнинг истеъмолга яроқли товарлардан фарқи ва уларнинг инсон соғлиғига салбий таъсирини ёритиб боришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, «Сифат назорати» телекўрсатувини такомиллаштириш;

сифат назоратини амалга оширувчи ташаббускор жамоатчилик вакиллари томонидан тасвирга олинган видеоларҳаларни барча телеканаллар орқали намойиш этиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги «Юқори ликвидли ва монополь товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5031-сон қарори 1-бандининг «а» кичик банди учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«истеъмол этил спирти — ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, тегишли лицензия (рухсат этиш, хабарнома ҳужжати) ва сериялаб ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун берилган мувофиқлик сертификатига эга бўлган ишлаб чиқарувчиларга, шунингдек, фақат ўз эҳтиёжлари учун охириги

истеъмолчи сифатида фойдаланиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларига;».

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев ҳамда инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Қудратов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 4 апрель,
ПҚ–110-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги
ПҚ–110-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Лицензиялаш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари
доирасида қўшимча талаблар ўрнатилаётган
фаолият йўналишлари
РЎЙХАТИ**

**I. Амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб
қилинадиган фаолият турлари:**

1. Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш.
2. Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси.
3. Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш.
4. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият.
5. Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш (бундан офтальмология тиббий буюмларини чакана реализация қилиш мустасно).

**II. Ваколатли органларни хабардор қилиш тартибида
амалга ошириладиган фаолият турлари:**

6. Пиво ва пиво ичимликлари ишлаб чиқариш.

7. Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш.
8. Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини сотиш.
9. Тамаки маҳсулотлари билан улгуржи ва чакана савдо қилиш.
10. Пиво маҳсулотлари билан улгуржи савдо қилиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги
ПҚ–110-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Сертификатланмаган, сақлаш муддати ўтиб кетган,
контрафакт ва истеъмолга яроқсиз товарларни ишлаб чиқариш
ҳолатлари ҳамда уларнинг айланмасига чек қўйиш бўйича
муружаатлар ягона ахборот тизими орқали юбориладиган
фаолият турларининг
РЎЙХАТИ**

1.	Адлия вазирлиги	товар ишлаб чиқарувчининг номидан ёки товар белгисидан (шунга ўхшатиб) ёхуд товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки ўтказиш; муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бузиш; ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бузиш;
2.	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси	озик-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш ва реализация қилиш жойларида ҳашарот ва кемирувчиларнинг мавжудлиги; озик-овқат маҳсулотини ушбу мақсадга мўлжалланмаган жойда тайёрлаш, сақлаш ва сотиш; сифати бузилган озиқ-овқат маҳсулотини сотиш; озик-овқат тайёрлаш ва сотиш жойининг санитария ҳолати ўта қониқарсиз ҳолатдалиги;
3.	Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси	савдо объекти томонидан сотувга қўйилган товарга нархнома қўйилмаганлиги; сотувга қўйилган товарнинг нархи касса чекидаги нархдан фарқ қилиши; яроқлилик муддати ўтган товарларни сотиш; дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархдан юкори устама қўйган ҳолда сотиш; ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шарт бўлган товарларни бундай талабларга риоя этмасдан сотиш;
4.	Ички ишлар вазирлиги	сифатсиз ёки контрафакт дори воситалари ва тиббий буюмларни сотиш; қалбаки, сертификати бўлмаган ва давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори воситалари ва тиббий буюмларни сотиш; рецепт билан бериладиган дори воситалари ва тиббий буюмларни рецептсиз сотиш;

5.	Солиқ қўмитаси	қалбаки акциз маркали ёки акциз маркази мавжуд бўлмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш; мажбурий рақамли маркировка коди бўлмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотини сотиш; рухсати бўлмаган ҳолда алкоголь ва тамаки маҳсулотини сотиш; сифатсиз спирт ва алкоголь маҳсулотини сотиш;
6.	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси	истеъмолга яроқсиз гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳамда сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки сотиш; гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳамда сут ва сут маҳсулотларини ветеринария экспертизасидан ўтказмасдан реализация қилиш; гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳамда сут ва сут маҳсулотларини белгиланмаган жойларда сотиш; гўшт ва гўшт маҳсулотларини белгиланмаган транспорт воситаларида ташиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**108 2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2023 йилда амалга ошириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, ички бозорда аҳоли талабини таъминлаш ва нархлар барқарорлигини сақлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни иқтисодий ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Республикада 2023 йил ҳосили учун асосий майдонларнинг 3,2 млн гектар, такрорий майдонларнинг 783 минг гектар, боғ-ток қатор ораларининг 140 минг гектар, дала четларининг 34,6 минг гектар, лалми ерларнинг 373 минг гектар майдонига қишлоқ хўжалиги экинларини экиш режалаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг 2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисидаги таклифи 1-иловага** мувофиқ маъқуллансин.

2. 2023 йил 15 апрелдан бошлаб эксперимент тариқасида халқаро молия институтларидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳузуридаги «Агросервис оператор» ДУК орқали ташаббускорлар лойиҳаларини молиялаштиришнинг қуйидаги янги тизими жорий этилсин, унга кўра:

а) ташаббускорлар томонидан ишлаб чиқилган мева-сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш, логистика қувватларини яратиш, шунингдек, етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш ҳамда махсус техникаларни, жумладан озиқ-овқат саноатидаги технологияларни харид қилиш йўналишидаги лойиҳалар Агентликнинг тумандаги лойиҳа офисларига тақдим этилиб, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) ягона электрон ахборот платформаси орқали «Агросервис оператор» ДУКга етказилади. Бунда:

Агентлик «Агросервис оператор» ДУК билан биргаликда белгиланган тартибда лойиҳаларни шакллантиради ҳамда Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказига тақдим этади;

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази белгиланган тартибда лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 6 апрелда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) «Агросервис оператор» ДУК мазкур маблағлар ҳисобидан интенсив боғ ва тоқзорлар, агрологистика объектларини ҳамда технологик линияларни (замонавий иссиқхоналар, лабораториялар, кичик агрологистика марказлари, қайта ишлаш қувватлари), озиқ-овқат саноатидаги линияларни қуриб, тайёр ҳолда ташаббускорларга лизинг асосида топширади. Бунда лизинг тўлови 10 фоизи олдиндан тўлаш, 10 фоизи ташаббускорлар улуши, 80 фоизи 10 йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан амалга оширилади.

Белгилансинки, мазкур тартиб доирасида ажратиладиган маблағлар:

миллий валютада 14 фоиз ставкада ажратилади. Бунда АҚШ долларига нисбатан ўзбек сўмининг валюта курси тебранишлари туфайли юзага келадиган харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан қопланади;

хорижий валютада жалб қилинган фоиз ставкасига бир фоизлик пункт қўшилган ҳолда тақдим этилади.

Вазирлик мазкур бандда назарда тутилаётган чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтларидан жалб қилинган 130 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни йўналтирсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Вазирликнинг Геоахборот тизимида 8 та асосий турдаги қишлоқ хўжалиги (пахта, ғалла, шоли, пиёз, сабзи, картошка, маккажўхори ҳамда мойли экинлар) маҳсулотларининг экилишини, вегетация даврини мониторинг ва таҳлил қилиш амалиёти жорий этилади. Бунда, «Рақамли қишлоқ хўжалиги» ягона интеграцион платформаси тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан «Электрон ҳукумат» тизимининг тегишли платформалари орқали ўзаро интеграция қилинади.

Солиқ қўмитаси, Кадастр агентлиги, Божхона қўмитаси бир ой муддатда ўзининг тегишли платформалари Вазирликнинг ягона интеграцион платформасига интеграция қилинишини таъминласин;

б) 2023 йил 1 июнга қадар пахта, ғалла, мева-сабзавотлар етиштириш учун имтиёзли кредит ажратиш жараёнлари рақамлаштирилади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга шаффофлик тамойилида хизмат кўрсатиш учун «Агроплатформа» ахборот тизими жорий этилади.

Бунда, тижорат банклари имтиёзли кредит ажратиши учун уларга «Агроплатформа» ахборот тизими орқали идоралараро электрон маълумот алмашинуви ёрдамида тақдим этилган ер ижара шартномалари ёки кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида Давлат реестри кўчирмаларидан фойдаланиш имконияти яратилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

2023 йил 1 майдан бошлаб «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган жисмоний шахслар 2-иловадаги рўйхатга мувофиқ товарларнинг чакана савдо объектларида харидини амалга оширганда ва ушбу харидни солиқ органларининг махсус мобил иловасида харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказганда, уларнинг банк карталарига хар ой якуни билан харид суммасининг

1 фоизи миқдоридаги тўлов ўрнига, харид суммасида тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси республика бюджетидан қайтарилади;

мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган тўловлар республика бюджетининг даромадлар қисмида қўшилган қиймат солиғини қайтаришга режалаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

2023 йил 1 июндан бошлаб қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча субсидиялар Вазирликнинг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга субсидия бериш» ахборот тизими орқали амалга оширилади.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–225-сон қарори доирасида Агентликнинг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 12 ой муддатга, шу жумладан 11 ойлик имтиёзли давр билан, 2023 йилда 400 миллиард сўм (биринчи ярим йилликда 200 млрд сўм) бюджет ссудасини йиллик 10 фоиз ставкада ажратсин.

6. Вазирлик:

а) 2023 йил 1 ноябрга қадар халқаро молия институтларининг 2 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари ҳисобидан ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, Марҳамат, Тошлоқ, Мингбулоқ, Нукус, Эллиққалъа, Урганч, Бухоро, Хатирчи, Булунғур, Жомбой, Қамаша, Яккабоғ, Шеробод, Денов, Шароф Рашидов, Боёвут, Оҳангарон ва Чиноз туманларида хусусий секторни жалб қилган ҳолда мева-сабзавот, картошка, полиз экинларини интенсив усулда етиштириш бўйича кўргазмали дала майдонларини ташкил қилиш чораларини кўрсин;

б) 2024 йил 1 январга қадар халқаро молия институтларининг 3 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари ҳисобидан Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиали ҳузурида халқаро аккредитациядан ўтган озик-овқат ва мева-сабзавотчилик йўналишидаги лабораторияни ташкил этсин;

в) ҳар ойда битта ҳудудда халқаро молия институтларининг грант маблағлари ҳисобидан Билим ва инновациялар миллий маркази, тегишли илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа илмий муассасаларни жалб қилган ҳолда хорижий ва маҳаллий малакали мутахассислар иштирокида мева-сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва мойли экинлар, доривор ўсимликлар етиштириш, уларни қайта ишлаш, экспорт қилиш бўйича семинар-тренинглари ўтказиб борсин;

г) 2023 йил 1 ноябрга қадар Билим ва инновациялар миллий маркази ҳузурида Юқори Чирчиқ туманида, аграр бизнес соҳасидаги мутахассислар, тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан агрокластерлар, фермерлар, деҳқон хўжаликларининг билимларини ошириш, уларда янги замонавий технологияларни қўллаш бўйича кўникмаларни шакллантириш, шунингдек, бизнес лойиҳаларини тайёрлаш бўйича аграр соҳада бизнес мактаб ташкил қилсин.

Бунда, ушбу мактаб «Агробанк» АТБнинг жойлардаги агромарказлари,

маъмурий бўйсунувидан қатъи назар, аграр соҳадаги агромаслаҳат ва тавсияларни бериш фаолиятини олиб бораётган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли тузилмалари ва илмий муассасалар билан ўзаро мувофиқлашган ҳолда ташкил этилади;

д) республика ҳудудларидаги озиқ-овқат бозорлари ва савдо комплексларида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсиши юзасидан мониторинг олиб борсин ҳамда ушбу маълумотларни Вазирлик сайтида ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилиб борсин.

Бунда, Вазирлик ҳузурида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини таҳлил қилиш маркази (юримдик шахс мақомига эга бўлмаган) ташкил этилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Сув хўжалиги вазирлиги, Вазирлик 2023 йилда 3-иловада* келтирилган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ 100,4 минг гектар ер майдонларининг қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритилишини таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳамда туманлар ҳокимликлари, Вазирлик, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бир ой муддатда маҳсулот етиштирувчилар билан тайёрлов, таъминотчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи, савдо-харид ташкилотлари ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари ўртасида 2023 йил ҳосили учун маҳсулот етказиб бериш ва харид қилиш бўйича шартномалар тузилишига ва уларнинг ўз вақтида бажарилишига масъул этиб белгилансин.

9. Агентлик:

импорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат импорт маҳсулотларини, шу жумладан 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини республикада ишлаб чиқариш ва кўпайтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашсин ва хизмат кўрсатсин;

Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда 2023 йилда мевали боғ ва узумзорлар барпо этадиган фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари талабидан келиб чиққан ҳолда мувофиқлик сертификатига эга мевали боғ ва узум кўчатлари етказиб беришни ташкил этсин;

ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, 2023 йил баҳор ва куз ойларида ҳар бир вилоятда ўртача 250 — 300 гектардан намунавий боғ-токзорлар барпо этсин;

уч ой муддатда боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўлиқ рақамлаштирган ҳолда уларнинг паспортлари яратилишини таъминласин.

10. Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда суғориш мавсумида тасдиқланган сув олиш лимитлари доирасида қишлоқ хўжалиги экинларини сувга бўлган талабдан келиб чиқиб, суғориш жадваллари асосида ўз вақтида сув билан таъминласин.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

11. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикасида чорвага озуқа етиштириш учун аҳолига деҳқон хўжалиги юритиш мақсадида бериладиган ерларнинг майдони 2 гектардан 5 гектарга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2023 йилда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Вазирлик икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Вазирлик билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 5 апрель,
ПҚ–113-сон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 5 апрелдаги
ПҚ–113-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган
жисмоний шахслар томонидан сотиб олинганда қўшилган
қиймат солиғи суммаси қайтариб бериладиган айрим
турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари
РЎЙХАТИ***

1. Қўй гўшти
2. Парранда гўшти
3. Мол гўшти
4. Тухум
5. Ўсимлик ёғи

* *Изоҳ: маҳсулотлар (товарлар ва хизматларнинг) идентификация кодлари (МХИК) асосида аниқланади ва ушбу кодлар Солиқ қўмитаси томонидан мустақил белгиланади.*

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 5 апрелдаги
ПҚ–113-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 майдаги «Республика худудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4709-сон қарорининг 3-банди «в» кичик бандининг учинчи хатбошисидаги «Қорамозор худудидан 20 гектар» сўзлари «Қизилмозор» худудидан 25 гектар» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4803-сон қарорининг 5-банди олтинчи хатбошисидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бошқармаси» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги

«Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалиklarининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–20-сон қарори 1-бандининг «а» кичик бандидаги «196 655» рақами «92 655» рақами билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–225-сон қарорида:

а) 1-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «100 миллиард» сўзлари «400 миллиард» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандда:

иккинчи хатбоши «доривор ўсимликлар» сўзларидан кейин «тут, пилла» сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, олинган қарз маблағларини ўз вақтида қайтарган, ижобий кредит тарихига эга, қўшилган қиймат занжирини яратган тадбиркорлик субъектларига қарз маблағлари фоиз ставкасини бир фоиз бандга туширган ҳолда 13 фоиз миқдорда тақдим этилади».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 сентябрдаги «Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–373-сон қарорида:

а) 2-банднинг биринчи хатбошиси, 4-банд «а» кичик бандининг биринчи хатбошиси ва 5-банднинг иккинчи хатбошисидаги «95 169» рақами «92 655» рақами билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

2-позицияда:

«Жами ер майдони, гектар» устунидаги «18 470» рақами «14 470» рақами билан алмаштирилсин;

«2023 йилда» устунидаги «10 052» рақами «6 052» рақами билан алмаштирилсин;

«Жами» позициясида:

«Жами ер майдони, гектар» устунидаги «196 655» рақами «192 655» рақами билан алмаштирилсин;

«2023 йилда» устунидаги «96 655» рақами «92 655» рақами билан алмаштирилсин;

в) 1.2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Андижон вилояти туманларида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги пахта ва ғалладан қисқартирилган ҳамда аҳоли пунктларига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган ерлар ҳисобидан фуқароларга очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида бериладиган экин майдонларининг ҲАЖМЛАРИ

Т/р	Туман (шаҳар)лар номи	Жами ер майдони, гектар	шундан, 2022-2023 йилларда	
			2022 йилда	2023 йилда
1.	Андижон	973	631	342
2.	Асака	899	660	239
3.	Балиқчи	1 436	845	591
4.	Бўстон	608	396	212
5.	Булоқбоши	662	243	419
6.	Жалақудуқ	1 303	785	518
7.	Избоскан	1 282	822	460
8.	Марҳамат	981	612	369
9.	Олтинкўл	810	463	347
10.	Пахтаобод	1 185	761	424
11.	Улуғнор	1 260	410	850
12.	Хўжаобод	393	247	146
13.	Шаҳрихон	1 277	835	442
14.	Қўрғонтепа	1 361	668	693
15.	Хонобод ш.	41	41	
	Жами	14 470	8 418	6052

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**109** Маъмурий ислохотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги муассасаларни қайта ташкил қилиш дастури 2-иловага** мувофиқ;

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси 3-иловага** мувофиқ;

Ёшлар ишлари агентлигининг ташкилий тузилмаси 4-иловага** мувофиқ;

Ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси» 5-иловага** мувофиқ;

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг хусусий секторга ўтказиладиган функциялари рўйхати 6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ёшларни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар белгилансин:

2023-2024 йиллар давомида «Ёшлар дафтари» тизими орқали ёшларга кўрсатиладиган ижтимоий-иқтисодий хизмат турлари 1,5 баробаргача оширилади;

ёшларга ижтимоий-иқтисодий хизматларни кўрсатишда уларнинг иқтидоридан унумли фойдаланишга қаратилган ижтимоий шартномалар амалиёти жорий этилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ёшларни қўллаб-қувватлаш тизими «Ёшлар баланси» асосида ёшларнинг ижтимоий ҳолати, қизиқиши ва муаммоларининг хусусиятидан келиб чиқиб йўлга қўйилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш билан боғлиқ зарур бўлган маълумотларни шакллантириш мақсадида «Электрон ҳукумат» тизими Идоралараро интеграциялашув платформасининг тегишли ахборот ресурслари базалари Ёшлар ишлари агентлигининг ахборот тизимларига интеграция қилинади;

давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари ҳар йили 1 февралга қадар ўз тизимларида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида белгиланган ва-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 8 апрелда эълон қилинган.

** 2 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зифаларни амалга оширишга қаратилган йиллик «Ёшлар дастури»ни Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлайди;

Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси ҳар ярим йилда камида бир маротаба давлат органлари ва ташкилотларининг ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти натижадорлиги ҳамда қабул қилинган «Ёшлар дастури» ижросини танқидий муҳокама қилиб боради.

3. 2024 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида ўтказиладиган ёшлар фестиваллари, форумлар, лойиҳалар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар Ёшларга оид тадбирларнинг йиллик календарь режаси асосида амалга оширилиши йўлга қўйилсин. Бунда:

Ёшларга оид тадбирларнинг йиллик календарь режаси ҳар йили декабрь ойи якунига қадар давлат органлари ва ташкилотларининг таклифлари асосида шакллантирилади;

тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, иштирокчи ёшларни рағбатлантириш Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан белгиланган тартиб асосида амалга оширилади;

Ёшларга оид тадбирларнинг йиллик календарь режаси доирасида ўтказиладиган тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар yoshlarportali.uz ягона электрон платформасига жойлаштириб борилади ва тадбирларда иштирок этадиган ёшларни платформа орқали электрон рўйхатга олиш йўлга қўйилади;

2023 йил 1 декабрга қадар yoshlarportali.uz ягона электрон платформасига давлат органлари ва ташкилотларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги маълумотлар базалари улар томонидан интеграция қилинади.

4. 2024 йил 1 январга қадар спорт соҳасини рақамлаштириш бўйича 24 та йўналишдаги ахборот тизимларини ўз ичига олган «ERP Sport» ягона электрон бошқарув тизими ишга туширилсин ҳамда УзАСБО дастуридаги маълумотлар билан интеграция қилиниши таъминлансин. Бунда:

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларидан марказлашган тартибда маблағ олувчи барча ташкилотлар ушбу тизимга тўлиқ уланади ҳамда спорт соҳасидаги харажатлар тизимда шаффоф ва очик тарзда акс эттирилади;

жойларда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги маблағлари ҳисобидан барпо этиладиган спорт объектлари ва иншоотларининг камида 30 фоизи мазкур электрон тизим орқали ушбу ҳудудда яшовчи аҳоли томонидан овоз бериш йўли билан аниқланади.

5. 2023 йил 1 июлдан бошлаб спортчи идентификация карталари учун тўловлар миқдори уч баробарга камайтирилсин ҳамда улардан фойдаланиш муддати 5 йил этиб белгилансин.

Белгилансинки:

а) 2024 йил 1 мартдан бошлаб спорт турлари бўйича ўтказиладиган расмий мусобақалар, Ўзбекистон чемпионати ва кубогида иштирок этиши учун спортчиларнинг мансублиги ва уларнинг малакасини идентификация карталари (ID-карта) орқали аниқлаш тартиби жорий этилади;

б) 2024 йил 1 июлдан бошлаб:

спортчилар ва уларга бириктирилган тренерлар ва бошқа мутахассисларнинг барча маълумотлари «ERP Sport» ягона электрон бошқарув тизимида юритилади. Бунда, фақат ушбу тизим орқали олинган маълумотлар ҳаққоний ҳисобланади;

спортчилар тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи (халқаро спорт федерация/ассоциациялари талаблари бўйича жорий этиладиган ҳужжатлар бундан мустасно) бошқа ҳар қандай спортчи паспортини жорий этиш қатъиян тақиқланади.

6. Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, олимпия ва паралимпия спорт турлари (ёш тоифалари) бўйича жаҳон чемпионатларида голиб ва совриндор бўлган спортчилар, шунингдек, уларни тайёрлаган тренерларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш миқдорлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 январдан бошлаб:

Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш бўйича ҳар йили қабул қилинадиган қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида спорт соҳасини ривожлантириш дастурлари учун назарда тутилган маблағлар Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига ажратилиб, вазирлик томонидан мустақил тақсимланади;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати бўйича таҳлилий материаллар ва ташкилотларга Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигидан ажратилган маблағлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар ҳар чоракда оммавий ахборот воситалари ва бошқа коммуникация манбалари орқали кенг жамоатчиликка эълон қилиб борилади.

8. Қуйидагилар ёшлар сиёсати ва спорт соҳасига ажратилаётган Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш ва ўзини ўзи молиялаштириш тизимига босқичма-босқич ўтишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

тадбирларни молиялаштириш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш, ажратилаётган маблағлар манзиллилиги ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича «хавфни таҳлил қилиш»ни йўлга қўйиш ва онлайн назорат тизимини яратиш;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режасини шакллантириш ва спорт тадбирларини ўтказишнинг илғор хориж тажрибасига асосланган замонавий механизмларини жорий этиш;

нуфузли халқаро мусобақаларда голиб ва совриндор бўлган спортчи ёшлар ҳамда уларнинг тренерларини рағбатлантиришни тизимлаштириш;

тизимдаги бино ва иншоотлар ҳамда спорт объектлари ва иншоотларида энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларни босқичма-босқич жорий этиш;

бюджетдан молиялаштириладиган спорт объектлари ва иншоотлари фаолиятини давлат-хусусий шериклик асосида йўлга қўйиш ва хусусий сектор иштирокида спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

9. Белгилансинки:

а) тегишинча Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги бюджет ташкилотлари ҳузурида, Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳузурида маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг амалдаги тартибини тўлиқ сақлаб қолган ҳолда юридик шахс мақомига эга бўлмаган бюджетдан ташқари жамғарма сифатида фаолият юритади;

б) 2023 йил 1 июлдан бошлаб ҳар йили Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларига Давлат бюджетидан спорт соҳасини ривожлантириш дастурлари харажатлари учун ажратилган маблағлар (сақлаш харажатлари учун ажратилган маблағлар бундан мустасно) тегишинча вазирлик ва ҳудудий бўлинмаларнинг бюджетдан ташқари Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма)га ўтказиб борилади ҳамда харажатларни молиялаштириш Жамғарма орқали белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда, Жамғарма маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади;

в) Жамғармага жисмоний шахслар томонидан ажратилган ҳомийлик ва хайрия маблағларининг 50 фоизигача бўлган қисми мазкур шахсларни нуфузли халқаро спорт тадбирларига юбориш учун йўналтирилади;

г) ҳомийлик кўрсатган жисмоний шахслар орасидан хорижда ташкил қилинадиган халқаро спорт тадбирларига юбориладиганларни аниқлаб олиш учун «ERP Sport» ягона электрон бошқарув тизими орқали улар ўртасида лотерея ўйинларини ўтказиб бориш йўлга қўйилади;

д) давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ёшлар ва спорт соҳасига оид барча ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини амалга оширишда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги лойиҳа ҳамкори сифатида жалб қилинади;

е) ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда спорт соҳасига бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари, шунингдек, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан барпо этиладиган ёшларга оид инфратузилмалар, спорт объектлари ва иншоотларининг лойиҳа ҳужжатлари Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан мажбурий равишда келишилади.

10. Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган, шунингдек, иқтидорли спортчи ёшларни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

а) 2023 йил 1 июлдан бошлаб «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг стипендияси» жорий этилсин. Бунда:

стипендия тўловлари учун маблағлар спортчи лавозими учун белгиланган иш ҳақи, терма жамоалар ва уларнинг захираси, спортчилар энергия сарфини қоплаш ва жисмоний ресурсларини тиклаш учун ажратиладиган мақсадли тўловларни мақбуллаштириш ҳисобидан ажратилади ва

унинг миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3 (уч) баравари этиб белгиланади;

«Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг стипендияси» тайинланган спортчиларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни содалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4742-сон қарорида белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилиш ҳуқуқи берилади;

б) Олимпия ва Паралимпия ўйинларида голиб ва совриндор бўлган спортчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармасига идоровий мансуб бўлган тиббиёт муассасаларида белгиланган тартибда умрбод бепул тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икромов ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З. Саъдуллаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 7 апрель,
ПҚ–114-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 7 апрелдаги
ПҚ–114-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги фаолиятининг УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Қуйидагилар Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ташкил этиш;

б) ёшлар ва спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, унда иштирок этувчи давлат органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мазкур соҳаларда қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

в) соҳага оид комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда ёшлар ва спорт соҳасида фаолият юритадиган нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш;

г) ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

д) ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, иқтидорини рўёбга чиқариш, ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

е) аҳоли ўртасида спортни оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш, спорт таълим тизимини такомиллаштириш, спорт турлари бўйича юқори натижадор спортчилар захирасини яратиш;

ж) Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, нуфузли халқаро мусобақаларда спортчиларнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш;

з) ёшлар сиёсати ва спорт инфратузилмасини модернизация қилиш, соҳани босқичма-босқич рақамлаштириш, соҳадаги халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеини ошириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

и) ёшлар сиёсати ва спорт соҳаларидаги халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, халқаро шартномалар тайёрлаш, тузиш ва бажариш ҳақида таклифлар тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 7 апрелдаги
ПҚ-114-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари,
олимпия ва паралимпия спорт турлари (ёш тоифалари) бўйича
жаҳон чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар,
шунингдек, уларни тайёрлаган тренерларни Давлат бюджети
маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш
МИҚДОРЛАРИ**

1. Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиблари ҳамда совриндорлари қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

олтин медаль учун — 200 000 АҚШ доллари;

кумуш медаль учун — 100 000 АҚШ доллари;

бронза медаль учун — 50 000 АҚШ доллари.

2. Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни тайёрлаган тренерлар қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

олтин медаль учун — 50 000 АҚШ доллари;

кумуш медаль учун — 25 000 АҚШ доллари;

бронза медаль учун — 12 500 АҚШ доллари.

3. Ёшлар Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиблари ҳамда совриндорлари қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

- олтин медаль учун — 20 000 АҚШ доллари;
- кумуш медаль учун — 10 000 АҚШ доллари;
- бронза медаль учун — 5 000 АҚШ доллари.

4. Ёшлар Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни тайёрлаган тренерлар қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

- олтин медаль учун — 5 000 АҚШ доллари;
- кумуш медаль учун — 2 500 АҚШ доллари;
- бронза медаль учун — 1 250 АҚШ доллари.

5. Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурларига киритилган спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатлари ғолиблари ва совриндорлари қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

- олтин медаль учун — 15 000 АҚШ доллари;
- кумуш медаль учун — 7 500 АҚШ доллари;
- бронза медаль учун — 3 750 АҚШ доллари.

6. Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурларига киритилган спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни тайёрлаган тренерлар қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

- олтин медаль учун — 7 000 АҚШ доллари;
- кумуш медаль учун — 3 500 АҚШ доллари;
- бронза медаль учун — 1 750 АҚШ доллари.

7. Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурларига киритилган спорт турлари бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатлари ғолиблари ва совриндорлари қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

- олтин медаль учун — 3 500 АҚШ доллари;
- кумуш медаль учун — 1 750 АҚШ доллари;
- бронза медаль учун — 875 АҚШ доллари.

8. Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурларига киритилган спорт турлари бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни тайёрлаган тренерлар қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

- олтин медаль учун — 2 000 АҚШ доллари;
- кумуш медаль учун — 1 000 АҚШ доллари;
- бронза медаль учун — 500 АҚШ доллари.

9. Осиё ва Параосиё ўйинлари ғолиблари ҳамда совриндорлари қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

- олтин медаль учун — 10 000 АҚШ доллари;
- кумуш медаль учун — 5 000 АҚШ доллари;
- бронза медаль учун — 2 500 АҚШ доллари.

10. Осиё ва Параосиё ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчи-

ларни тайёрлаган тренерлар қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

- олтин медаль учун — 5 000 АҚШ доллари;
- кумуш медаль учун — 2 500 АҚШ доллари;
- бронза медаль учун — 1 250 АҚШ доллари.

11. Ёшлар Осиё ва Параосиё ўйинлари ғолиблари ҳамда совриндорлари қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

- олтин медаль учун — 2 000 АҚШ доллари;
- кумуш медаль учун — 1 000 АҚШ доллари;
- бронза медаль учун — 500 АҚШ доллари.

12. Ёшлар Осиё ва Параосиё ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни тайёрлаган тренерлар қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

- олтин медаль учун — 1 500 АҚШ доллари;
- кумуш медаль учун — 750 АҚШ доллари;
- бронза медаль учун — 375 АҚШ доллари.

13. Тренерларга назарда тутилган рағбатлантириш миқдори ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни охириги бир йил давомида тайёрлаган тренерларга берилади.

Бунда, ушбу маблағлар спортчини тайёрлашда сўнгги 4 (тўрт) йилда иштирок этган тренер ва бошқа мутахассислар ўртасида тегишли Тренерлар кенгашининг қарорига асосан қайта тақсимланиши мумкин.

14. Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича бошқа йирик халқаро спорт мусобақалари ғолиблари ва совриндорлари, шунингдек, уларни тайёрлаган тренерларни рағбатлантиришнинг алоҳида миқдорлари белгиланиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**110 Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини янада ошириш, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ҳамда профессионал даражада тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, тренер ва ҳакамларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва маҳоратини юксалтириш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўрнатилган стандартларга мослаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар футболни янада оммалаштириш ва ривожлантиришнинг қўшимча йўналишлари этиб белгилансин:

Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (FIFA)нинг аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида футболни янада оммалаштиришга қаратилган махсус дастурлари асосида ҳар йили маҳалла ёшлари ўртасида, жумладан мактабгача таълим ташкилотларида «Оммавий футбол» (Grassroots) фестивалъ ва мусобақалари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Мактабларда футбол», олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Талабалар лигаси» республика мусобақаларини ўтказиш;

ёшларнинг футболга қизиқишини ошириш, бу борадаги тарғибот ишларини янада кучайтириш, уларнинг футбол билан шуғулланиши учун етарли шарт-шароитларни яратиш;

аёллар ўртасида футболни ривожлантириш, бу борада узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли режа ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг футбол билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда улар ўртасида мунтазам мусобақалар ташкил этиш;

терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини яратиш, иқтидорли футболчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция)нинг рақамлаштирилган тизимини жорий қилиш;

футбол инфратузилмасини моддий-техник жиҳатдан янада яхшилаш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш;

футбол бўйича малакали тренерлар, ҳакамлар ва мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ўқув-услугий қўлланмалар ишлаб чиқиш;

ҳудудларда футбол клублари, болалар ва ўсмирлар, оммавий футболни ривожлантириш мақсадида чет эллик мутахассисларни жалб этиш ва халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш;

оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда футболни тарғиб қилиш ҳамда бу жараёнда юқори даражали ахборот ва мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланишни янада кенгайтириш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 8 апрелда эълон қилинган.

а) ҳар йили Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари ҳисобидан: март — июнь ойларида маҳалла ёшлари ҳамда қизлари ўртасида «Оммавий футбол» дастури доирасида футбол фестиваллари;

10 декабрь — Бутунжаҳон футбол куни муносабати билан аҳоли ўртасида оммавий «флешмоб» тадбирлари;

сентябрь — май ойларида умумий ўрта таълим мактабларида «Мактабларда футбол» дастури доирасида футбол мусобақалари, маҳорат сабоқлари ва фестиваллари ўтказиб борилади;

б) ҳар йили сентябрь — май ойларида олий таълим муассасаларида Ўзбекистон талабалар спорти ассоциацияси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилдиган «Талабалар лигаси» дастури доирасида уч босқичли республика футбол мусобақалари ўтказилади.

3. Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икрамов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Ҳ. Умарова) ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И. Абдурахмонов) билан биргаликда бир ой муддатда:

«Оммавий футбол», «Мактабларда футбол» ва «Талабалар лигаси» дастурлари доирасида футбол тадбирларини ўтказишнинг ягона тартибини тасдиқласин;

ушбу мусобақалар ва турнирларга пухта тайёргарлик кўриш ва юқори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини қабул қилсин;

мазкур мусобақалар ва турнирларни ўтказиш жараёни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа коммуникация манбаларида кенг ёритилишини таъминласин.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И. Абдурахмонов) Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов) билан биргаликда икки ой муддатда:

давлат олий таълим муассасаларида уларнинг моддий-техника базасидан келиб чиқиб, футбол бўйича доимий фаолият юритувчи секциялар фаолиятини йўлга қўйсин;

давлат олий таълим муассасаларидаги мавжуд спорт иншоотлари ва футбол майдонларининг доимий фаолият кўрсатишини таъминлаш чораларини кўрсин;

ҳар бир давлат олий таълим муассасасининг футбол ва футзал бўйича жамоаларини шакллантирсин ҳамда уларнинг «Талабалар лигаси» дастури доирасида ўтказилдиган республика мусобақаларида тўлиқ иштирок этишини таъминласин;

олий таълим муассасалари рейтингини аниқлашда мазкур банд талабалари инобатга олинишини назарда тутсин.

5. Қўйидагилар:

футбол бўйича ҳудудий ва миллий терма жамоалар ҳамда профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини яратиш мақсадида Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги футбол маҳорат мактаблари амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда Ўзбекистон футбол ассоциацияси тасарруфига ўтказилсин ва улар футбол академиялари сифатида қайта ташкил этилсин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги футбол мактаблари (кейинги ўринларда — футбол мактаблари) ташкил қилинсин;

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги айрим спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган спорт мактабларининг футбол майдонлари футбол мактаблари балансига ўтказилсин;

мослаштирилган биноларда жойлаштирилган, паст самарали футбол мактабларини оптималлаштириш ҳисобига уларнинг мол-мулки, спорт анжомлари ва тренер кадрлари футбол мактаблари моддий-техника ва ўқув базасини мустаҳкамлашга йўналтирилсин.

6. Белгилансинки:

футбол мактаблари спорт йўналишидаги мактабдан ташқари спорт-таълим муассасаси ҳисобланади;

футбол мактаблари директорлари, директорларнинг спорт ишлари бўйича ўринбосарлари, тренерлари меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришга спорт мактаблари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришда белгиланган шароитлар татбиқ этилади;

футбол мактаблари тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 276-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади, шунингдек, уларни моддий рағбатлантиришда спорт мактаблари учун белгиланган моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади;

келгуси йилларда футбол мактаблари профессионал футбол клубларига босқичма-босқич бириктирилади.

7. Қуйидагилар:

а) футбол мактабларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни саралаб олиш (селекция) тизимини йўлга қўйиш, болалар ва ўсмирларни футбол билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш;

болалар ва ўсмирлар ўртасида уларнинг соғлиғини мустаҳкамлашга, ҳар томонлама жисмоний камол топишига ва соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантиришга йўналтирилган спорт ва тарбиявий ишлар олиб бориш;

болалар ва ўсмирларда футбол билан шуғулланиш қобилиятини эрта аниқлаш ва уларда футболга бўлган барқарор қизиқишни ривожлантириш;

футбол машғулотларини ўтказиш учун малакали тренерлар таркибини танлаш, ўқув-тарбия тизимини ташкил этишнинг энг янги усулларини қўллаган ҳолда спорт захираси ва юқори маҳоратли футболчилар тайёрлаш юзасидан ўқув-машқ жараёнини йўлга қўйиш;

барча ёш тоифалари бўйича футбол академиялари ва клубларига маҳоратли спортчиларни етказиб бериш;

тажриба алмашиш мақсадида турли футбол ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, футболчиларнинг спорт маҳоратини, шунингдек, тренерлар ва бошқа мутахассисларнинг касб малакасини ошириш;

б) футбол мактабларини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетли вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетли маъмуриятлари;

фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан ва мактабнинг уставидаги вазифаларга мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

асосий машғулотлар ўтказилмайдиган вақтда бўш турган мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов):

а) уч ой муддатда:

футбол мактаблари ва футбол академияларининг уставини тасдиқлаш, шунингдек, уларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

футбол мактаблари ва футбол академияларини замонавий педагогик технологияларни эгаллаган малакали тренерлар ҳамда педагог кадрлар билан босқичма-босқич тўлдириш чораларини кўрсин;

б) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан биргаликда футбол мактаблари ва футбол академияларида спортчиларни тайёрлаш сифати юзасидан доимий назоратни амалга оширсин;

в) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда футбол мактаблари ва футбол академияларининг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг штат жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

г) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчиларини футбол мактаблари ва футбол академияларида шуғулланиш учун жалб этиш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икромов) билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги футбол академиялари ҳамда футбол мактабларининг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларини қўшимча моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини Ҳукуматга киритсин.

10. Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 1 июлдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

нодавлат футбол мактаблари ва футболни ривожлантириш соҳасида фаолият юритаётган бошқа нодавлат ташкилотлар (нодавлат футбол муассасалари) учун Ўзбекистон футбол ассоциацияси аъзоси бўлиши талаби ўрнатилади;

Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан нодавлат футбол муассасаларининг рейтингли юритилади ҳамда рейтинг натижалари кенг жамоатчиликка эълон қилиб борилади.

11. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икромов) ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов) қуйидагиларни амалга оширсин:

Хорватия, Япония ва бошқа давлатларнинг тажрибасини малакали му-

тахассисларни жалб қилган ҳолда ўзбек футболига татбиқ этиш. Бунда, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамда ҳудудий болалар-ўсмирлар футбол академияларининг «техник директор» лавозимига хорижий давлатларнинг тажрибаси ва тизимини жорий қилиш бўйича малакали мутахассисларни жалб қилиш;

Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (FIFA), Осиё футбол конфедерацияси талабларига мувофиқ футбол учрашувларида адолат ва шаффофликни таъминлаш мақсадида VAR (Video Assistant Referee, видео ёрдамчи ҳакам) тизимидан фойдаланишни янада кенгайтириш;

Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Футбол бўйича мутахассисларни тайёрлаш марказида футбол бўйича «футбол таҳлилчиси», «футбол селекционери» (скаут), «футбол менежери», «футбол маркетинг», «футбол шифокори», «футбол психологи», «спорт фармакологи», «спорт диетологи» каби мутахассисларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйсин.

12. Белгилаб қўйилсинки:

спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган спорт мактабларининг футбол бўйича тренерларига босқичма-босқич Осиё футбол конфедерациясининг тренерлар таълими бўйича талаблари жорий этилади;

Ўзбекистон футбол ассоциацияси спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган спорт мактабларининг футбол гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда иқтидорли футболчиларни селекция қилиш орқали уларни кейинги босқичдаги футбол мактаблари ва академияларига йўналтириб бориш юзасидан доимий мониторинг ўрнатсин.

13. «Ўзметкомбинат» АЖ (Р. Пирматов), «Олмалиқ КМК» АЖ (А. Хурсанов), «Навоий КМК» АЖ (Қ. Санақулов) ва «Ўзбекнефтгаз» АЖ (Б. Сидиқов)ларнинг футболни ривожлантиришга ҳомийлик хайрия ёрдамини кўрсатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов):

бир ой муддатда футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигаси ва Пролигасининг профессионал футбол клубларини ҳомий ташкилотларга бириктирсин;

Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг 2024 йил Париж шаҳри (Франция) ва 2028 йил Лос-Анжелес шаҳри (АҚШ)да бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги «OLYMPIC Профессионал футбол клуби»ни қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаб борсин.

Бунда, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, унинг ҳудудий бўлинмалари, Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси ва профессионал футбол клубларининг фаолиятини молиялаштиришга юридик шахслар томонидан йўналтириладиган ҳомийлик ва хайрия ёрдами шаклидаги маблағлар суммаси фойда солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланади.

14. Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икрамов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А. Ортиқов) билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Суперлигаси ва Пролигасининг профессионал футбол

клубларига ҳомийлик ва хайрия кўрсатган, шунингдек, оммавий савдоларга қўйилган футбол клубларини сотиб олган инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга қўшимча енгилликлар яратиш юзасидан таклифларни киритсин.

15. 2026 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон футбол ассоциацияси, унинг ҳудудий бўлинмалари, Ўзбекистон Профessional футбол лигаси, Ўзбекистон футбол ҳакамлари маркази, профессионал футбол клублари ва академиялари белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга асосан футбол бўйича спорт объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган спорт асбоб-ускуналари ва технологиялари, инвентарлари, трансляция қилиш билан боғлиқ барча асбоб-ускуналар ва техникалар, фармакология маҳсулотлари, спорт озуқалари, футбол (футзал) майдонлари учун сунъий ўтлар, шокпад, гранулалар, махсус елим ва махсус профессионал спорт кийимлари, махсус техника ва транспорт воситаларини олиб кирганлик учун божхона божини тўлашдан озод қилинсин.

16. Устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган профессионал футбол клубларига спорт асбоб-ускуналари, инвентарлари, фармакология маҳсулотлари, спорт озуқалари, футбол (футзал) майдонлари учун сунъий ўтлар, шокпад, гранулалар, махсус елим, махсус профессионал спорт кийимларини, истисно тариқасида, тўғридан-тўғри шартнома асосида харид қилишга рухсат берилсин.

17. Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

18. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

«Ўзметкомбинат» АЖ, «Олмалиқ КМК» АЖ, «Навоий КМК» АЖ ва «Ўзбекнефтгаз» АЖларнинг ҳомийлик маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

19. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) 2023 йилдан бошлаб ҳар йили Жамғармани қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджетидан 25 миллиард сўм йўналтирсин.

20. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадларга сарфланади:

оммавий ва профессионал футболни ривожлантириш, замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар харид қилиш;

футбол мутахассисларини илғор ўқитиш методикалари ва инновациялар-

га ўргатиш тизимини йўлга қўйиш харажатларини қоплаш, шу жумладан хориждан жалб этилган мутахассисларни рағбатлантириш;

замонавий футбол технологияларини харид қилиш ва жорий этиш;

футбол бўйича маҳаллий мутахассисларнинг тажрибасини хорижий мамлакатларда ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

алоҳида намуна кўрсатган терма жамоаларни моддий рағбатлантириш, иқтидорли ёшларни футболга жалб этиш, янги футболчилар авлодининг ишончли захирасини шакллантириш;

Ўзбекистон футболчилари, тренерлар ва ҳакамлар таркибининг профессионал маҳоратини оширишда чет эл футбол клублари ва федерациялари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

юқори маҳоратли футболчилар ва спорт захирасини тайёрлашнинг самарали методларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-методик тадқиқотлар ўтказишда кўмаклашиш.

21. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икромов) Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев), Адлия вазирлиги (А. Тошқулов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов) билан биргаликда махсус ишчи гуруҳни ташкил қилган ҳолда 2023 йил якунига қадар илғор хориж тажрибаси асосида футболни молиялаштириш тизимини кенгайтиришда букмекерлик фаолиятини амалга ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

22. Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икромов) билан биргаликда 2023 йил якунига қадар:

республика ҳудудларидаги барча турдаги давлат ва нодавлат таълим муассасалари, клубларида футбол билан шуғулланаётган, шунингдек, туман (шаҳар), вилоят ва республика спорт ва оммавий жисмоний тарбия тadbirlарининг календарь режасига киритилган мусобақаларда қатнашувчи футболчилар тўғрисидаги ягона маълумотлар базасини шакллантирсин ва унинг Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (FIFA)нинг FIFA-CONNECT платформасига интеграция қилинишини таъминласин;

жойларда футбол билан шуғулланаётган, шунингдек, мусобақаларда қатнашувчи барча футболчилар тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ рақамлаштирсин ва ягона маълумотлар базасини яратсин.

Бунда, ягона маълумотлар базасини яратиш, ишга тушириш ва кейинчалик техник қўллаб-қувватлаш Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

23. Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) уч ой муддатда Ўзбекистон футбол ассоциацияси мурожаатига асосан футбол бўйича Суперлига, Прoлига ва Ўзбекистон кубoги мусобақалари ўтказиладиган ўйингоҳларни Ўзбекистон футбол ҳакамлари маркази билан боғлайдиган оптик толали алоқа линиялари билан таъминласин.

24. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икромов) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И. Абдурахмонов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А. Азизов), Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети билан биргаликда:

а) 2023/2024 ўқув йилига қадар халқаро тажриба асосида Ўзбекистонда футболчиларни тайёрлаш моделини ишлаб чиқсин;

б) 2023 йилдан бошлаб ҳар йили:

футбол соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг олимлари, мутахассислари иштирокида семинар-тренинглар, шунингдек, илмий-амалий конференциялар ва анжуманлар ўтказиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг футбол йўналиши бўйича талабалари битирув олди амалиётини ҳудудий футбол академиялари ва профессионал футбол клубларида ташкил этсин;

Миллий ва хорижий профессионал футбол клублари мутахассисларини Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг футбол бўйича дарс жараёнларига жалб қилсин.

25. Қуйидагилар:

Ўзбекистон футбол ассоциацияси тасарруфидаги спорт-таълим муассасалари ва иншоотларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги футбол мактаблари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

Профессионал футбол клублари ҳузуридаги фаолияти мақбуллаштирилаётган футбол мактаблари рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

26. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманида жойлашган «Дўстлик» стадионида Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (FIFA) томонидан 2022-2023 йилларда 4 та замонавий футбол майдони қуриш учун 4,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг 2023-2024 йилларда Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманида жойлашган «Дўстлик» стадиони ҳудудида футбол бўйича барча ёш тоифасидаги терма жамоалар шуғулланиши учун бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Терма жамоалар марказини қуриш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда, Терма жамоалар марказида 280 ўринли замонавий меҳмонхона, мини-футбол учун ёпиқ спорт манежи, илмий-тадқиқот, тиббиёт ва реабилитация маркази, сузиш ҳавзаси, ошхона бинолари қурилиши, шунингдек, ушбу биноларда Республика болалар-ўсмирлар футбол академияси жойлаштирилиши инobatга олинсин.

27. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б. Закиров) мазкур қарор асосида қурилиши ва таъмирланиши кўзда тутилган иншоотларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда энг мақбул меъморий ҳамда техник ечимлар қўлланилишини, уларни инновацион технологияларга асосланган, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш, шинамлик ва экологик хавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан доимий давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

Белгилансинки, мазкур қарор асосида қурилиши ва таъмирланиши кўзда тутилган иншоотларнинг лойиҳа ҳужжатлари Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан келишилади.

28. Иқтисодий ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) 2023-2024 йилларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мазкур қарорнинг 1-илоvasи билан тасдиқланган Ўзбекистон футбол ассоциацияси тасарруфидаги спорт-таълим муассасалари ва иншоотларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли рўйхатига мувофиқ қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш учун зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

29. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Мусаев) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциациясининг талабномаларига кўра ўрнатилган тўловларни ундирмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасига спорт турлари бўйича чет эллик тренер, спортчи ва бошқа мутахассисларни жалб этишга рухсатномалар, шунингдек, мазкур чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилиши (узайтирилиши)ни белгиланган тартибда таъминласин.

30. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳудудий футбол ассоциацияларининг раҳбарлари этиб белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

ҳудудий футбол ассоциациялари, шунингдек, футбол мактаблари инфра-тузилмаси ва моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

турли ёш тоифасидаги ҳудудий терма жамоалар ўқув-машғулот марказларини Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (FIFA) талабларига мувофиқ барпо этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг қўшимча маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан маблағ ажратилишини таъминласин;

хар бир туман (шаҳар)да камида биттадан эркаклар, аёллар футболи ва мини-футбол бўйича футбол жамоалари ташкил этилиши ва уларнинг мусобақаларда мунтазам иштирокини таъминласин.

31. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

32. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан ке-

либ чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

33. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциацияси раиси А.А. Азизов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 7 апрель,
ПҚ-115-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

111 Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жинойятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида» 2022 йил 28 ноябрдаги ПФ–257-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жинойятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида» 2022 йил 28 ноябрдаги ПФ–257-сон Фармони 15-банди учинчи хатбошисида очиқ, ҳар томонлама ва холис танлов мезон ва механизмларини қамраб олган Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида олий таълим ҳамда олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш ва ўқитишнинг алоҳида тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бакалавриатига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратурасига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг (кейинги ўринларда — Академия) «тергов фаолияти» таълим йўналиши бўйича бакалаврият босқичи талабаларини вазирликнинг куч ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий тайёргарлик ўқув марказида бепул ҳарбий тайёргарликдан ўтишини таъминласин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 7 апрелда эълон қилинган.

4. Академия суриштирув ва тергов фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга давлат органлари билан биргаликда ўз расмий веб-сайтлари, ижтимоий тармоқларидаги саҳифалари ва оммавий ахборот воситалари орқали Академиянинг «тергов фаолияти» бакалавриат таълим йўналишига номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш учун танлов ҳар йили 1 февралга қадар, 2023/2024 ўқув йили учун, истисно тариқасида, 2023 йил 15 апрелга қадар эълон қилинишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Манфаатдор вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 6 апрель,
143-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 6 апрелдаги 143-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси бакалавриатига ўқишга қабул қилиш ва
ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (кейинги ўринларда — Академия) бакалавриатида юридик кадрларни тайёрлаш бўйича ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Академияда ўқишга қабул «тергов фаолияти» бакалавриат таълим йўналиши (кейинги ўринларда — «тергов фаолияти» йўналиши) ҳамда юриспруденциянинг бошқа бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ташкил этилади.

«Тергов фаолияти» йўналишида ўқув жараёни кундузги таълим шаклида ташкил этилади.

Юриспруденциянинг бошқа бакалавриат таълим йўналишларида ўқув

жараёни таълимнинг кундузги, кечки, сиртқи ва масофавий шаклларида ташкил этилиши мумкин.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Академиянинг Мувофиқлаштириш-васийлик кенгаши (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) — Академия фаолиятининг устувор масалаларида кўмаклашувчи жамоатчилик бошқаруви органи. Васийлик кенгашига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (кейинги ўринларда — Бош прокурор) раҳбарлик қилади;

апелляция комиссияси — ёзма имтиҳон ва тест синовлари натижалари бўйича номзодларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун тузиладиган комиссия;

ваколатли давлат органлари — қонунчиликка мувофиқ суриштирув ва тергов фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга давлат органлари;

Идоралараро қабул комиссияси (кейинги ўринларда — Қабул комиссияси) — Академия «тергов фаолияти» йўналиши бўйича бакалавриятга ўқишга қабул қилишни сифатли ташкил этиш, шу жумладан талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш, танловни ўтказиш ва уларга маслаҳатлар бериш, бошқа ташкилий масалаларни тезкор ҳал этиш учун Бош прокурор буйруғи билан ваколатли давлат органлари вакилларида 9 нафар аъзолардан иборат таркибда тузиладиган Васийлик кенгашининг ваколатли аъзоси раислик қиладиган комиссия;

номзод — Академияга ўқишга кириш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда ушбу Низом талаблари асосида танловларда иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

талаба — Академия бакалавриятига ўқишга қабул қилинган шахс;

тақсимот комиссияси — Академия битирувчиларини ваколатли давлат органларига хизматга тақсимлаш учун тузиладиган комиссия.

4. Академияда кадрларни амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда ягона ёндашув асосида тайёрлашга қаратилган узлуксиз ўқитиш тизими йўлга қўйилади.

2-боб. Академия бакалавриятига ўқишга қабул қилиш тартиби

1-§. Умумий қоидалар

5. Академиянинг «тергов фаолияти» йўналиши бўйича кундузги таълим шаклига ўқишга қабул қилиш танлов, тенг ҳуқуқлилик принциплари ва қабул қилишнинг ягона қоидалари асосида қуйидаги босқичларда ташкил этилади:

дастлабки танлов;

махсус психологик танлов;

ёзма имтиҳон;

тест синовлари.

6. Қабул комиссиясининг таркиби, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Васийлик кенгаши томонидан белгиланади.

Қабул комиссияси фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш комиссия масъул котиби томонидан амалга оширилади.

Қабул комиссиясининг масъул котиби Бош прокурор томонидан белгиланади.

7. Қабул комиссияси фаолиятида унинг ярмидан ортиқ аъзолари ҳамда ушбу комиссия раиси иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

8. Қабул комиссиясининг раиси:

Қабул комиссиясининг ишини ташкил этади;

кичик комиссиялар таркибини шакллантиради;

кичик комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

9. Номзодлар танловининг Академияда ўтказиладиган тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ташкил этиш борасида Академияга юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш учун Академия бошлиғи ўз ваколати доирасида буйруқ (фармойиш) чиқаради.

10. Академия «тергов фаолияти» йўналишида бакалаврият дастури бўйича таълим олиш муддати уч йилни ташкил этиб, битирувчиларга белгиланган давлат намунасидаги диплом берилади.

11. Академияга қабул қилишда ҳужжат топширган абитуриентларнинг муайян тоифаларига республиканинг бошқа олий таълим муассасаларига кириш учун қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

12. Академияда ўқитиш давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида ташкил этилиб, тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматлари ҳар йили Васийлик кенгаши томонидан белгиланади.

13. «Тергов фаолияти» йўналишига умумий ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта махсус, касб-ҳунар профессионал таълим маълумотиغا эга, соғлиғининг ҳолати бўйича ходим ёки ҳарбий хизматчининг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан ўқишга кириш учун ҳужжатлар қабул қилинади.

2-§. Академиянинг «тергов фаолияти» йўналиши бўйича ҳужжатларни қабул қилиш ва дастлабки танловни ўтказиш

14. Академиянинг «тергов фаолияти» йўналишидаги ҳар йилги қабул параметри ваколатли давлат органларининг ҳудудлар кесимидаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ваколатли давлат органлари томонидан ҳудудлар кесимидаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган таклифлари қабул йилининг 10 январига қадар Академияга тақдим этилади.

Академия ва ваколатли давлат органлари ўзларининг расмий веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали Академиянинг «тергов фаолияти» бўйича бакалавриятга номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш учун танловни қабул йилининг 1 февралига қадар эълон қилади.

Номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш танловларни ўтказиш тўғрисида берилган эълонда тегишли ҳужжатлар қабул қилинадиган ман-

зил, ўқишга қабул қилиш шартлари ҳамда танловни ўтказиш билан боғлиқ бошқа маълумотлар акс эттирилади.

15. Академиянинг «тергов фаолияти» йўналиши бўйича бакалавриати қабулига дастлабки танлов:

ҳарбийлаштирилган тузилмалар (Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Божхона қўмитаси, Ҳарбий прокуратура);

ҳарбийлаштирилмаган ташкилотлар (прокуратура органлари, шу жумладан Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси)даги талабларни инобатга олган ҳолда алоҳида тартибда амалга оширилади.

Бунда, номзод ўз ҳужжатларини ҳарбийлаштирилган ёки ҳарбийлаштирилмаган соҳа бўйича топшириши лозим.

16. Номзод қабул йилининг 1 февралидан 1 мартга қадар ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик)нинг махсус электрон платформаси орқали онлайн топшириб, рўйхатдан ўтади.

Номзод ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган муддатларда: ҳарбийлаштирилган йўналиш бўйича — ҳудудий ички ишлар органларига;

ҳарбийлаштирилмаган йўналиш бўйича — ҳудудий прокуратура органларига тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

17. Номзод томонидан қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID-карта) нусхаси;

туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома алмаштирилган ёхуд фамилияси, исми, отасининг исми ва бошқа маълумотлар ўзгартирилган бўлса, бу ҳақда ФХДЁ органининг маълумотномаси;

яқин қариндошлари паспорти, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома, қариндошларининг ўлими ҳақидаги гувоҳномалар нусхалари;

номзод томонидан кўлда ва компьютерда ёзилган таржимаи ҳол;

анкета (маълумотнома);

ҳарбий хизматга чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ёки ҳарбий гувоҳномаси (агар мавжуд бўлса) нусхаси;

3 x 4 сантиметр ўлчамдаги 6 та фотосурат (бош кийимсиз) ҳамда 9 x 12 сантиметр ўлчамдаги 2 та фотосурат (бош кийимсиз);

номзодлар томонидан ҳужжатларни тақдим этишда шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт ёки ID-карта), туғилганлик ҳақида гувоҳномалар, ҳарбий хизматга чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ёки ҳарбий гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

18. Ҳужжатларни қабул қилган ҳудудий ички ишлар органи/ҳудудий прокуратура органи масъул ходими тақдим этилган ҳужжатларнинг аслини текшириб олади. Хизмат ўташ хусусиятидан келиб чиқиб, шунингдек айрим

хужжатларга аниқлик киритиш мақсадида тегишли муассасалардан қўшимча хужжат ёхуд маълумотлар талаб қилиб олиниши мумкин.

19. Академияга ўқишга кириш истагини билдирган номзодлар учун дастлабки танлов ҳудудий ички ишлар органи/ҳудудий прокуратура органи томонидан қабул йилининг 1 мартдан 20 майга қадар ўтказилади.

20. Дастлабки танловнинг мақсади — номзодни тавсифловчи маълумотларнинг улар келгусида ваколатли давлат органларида хизмат қилиши учун мослигини ва уларнинг соғлиғи ҳолатини аниқлашдан иборат.

21. Қўйидагилар дастлабки танловнинг асосий вазифалари ҳисобланади: номзодга тегишли хужжатларни ва уни тавсифловчи маълумотларни тўплаш;

номзод тўғрисидаги турли маълумотларни аниқлаш (оилавий аҳволи ва бошқалар);

номзоднинг соғлиғи жиҳатидан ўқишга яроқлилигини аниқлаш.

22. Дастлабки танлов қўйидаги тадбирларни ўз ичига олади: ҳарбийлаштирилмаган йўналишлар учун — хужжатларни тўплаш ва ўрганиш (махсус ўрганиш);

ҳарбийлаштирилган йўналишлар учун — хужжатларни тўплаш ва ўрганиш (махсус ўрганиш) ҳамда тиббий кўриқдан ўтказиш.

23. Хужжатларни тўплаш ва ўрганиш натижаларини таҳлил қилиш номзод тўғрисидаги маълумотларни режали жамлаш ва тизимлаштириш усули орқали ўтказилади.

24. Дастлабки танлов босқичида иштирок этадиган номзодларнинг сони чекланмайди.

25. Ҳудудий ички ишлар органлари номзодларни ички ишлар органларида махсус ташкил этиладиган ҳарбий-тиббий комиссиялар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилишини таъминлайди.

26. Ҳарбийлаштирилган тузилмалар учун қўйидаги махсус параметрлар талаб этилади:

ёши ўн еттидан кичик ва йигирма бешдан катта бўлмаслиги (муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўтаган ёши йигирма олтидан катта бўлмаган);

бўйи баландлиги эркаклар учун — 165 сантиметрдан, аёллар учун — 160 сантиметрдан паст бўлмаслиги;

ҳарбий-тиббий комиссия кўриги натижасига кўра соғлиғининг ҳолати бўйича хизматга яроқли деб топилганлиги.

Ҳарбийлаштирилмаган ташкилотларга ишга қабул қилинадиган номзодларга ушбу банддаги махсус талаблар татбиқ этилмайди.

27. Ҳарбий-тиббий комиссия кўриги натижасига кўра, кейинчалик ҳарбийлаштирилган тузилмаларга ишга қабул қилинадиган номзод соғлиғининг ҳолати бўйича ҳарбийлаштирилган ваколатли давлат органларида хизматга яроқсиз деб топилган тақдирда, бу ҳақда номзодга маълум қилинади ва ушбу номзодни ваколатли давлат органларига қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса тузилади. Ушбу тоифадаги номзодларнинг алоҳида рўйхати шакллантирилади.

28. Номзодга тегишли ҳужжатларни ўрганиш ва ҳарбий-тиббий комиссия кўриги натижасига кўра номзодлар рўйхати ва йиғмажилдлари ҳудудий ички ишлар органи/ҳудудий прокуратура органи томонидан қабул йилининг 25 майига қадар Академияга тақдим этилади.

29. Рўйхатга ҳарбий-тиббий комиссиянинг хулосаси илова қилинади.

30. Дастлабки танловдан ўтган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар Академия расмий веб-сайтида эълон қилинади.

3-§. Академиянинг «тергов фаолияти» йўналиши бўйича махсус психологик танлов

31. Махсус психологик танлов учун тест топшириқлари Агентлик томонидан тузилади ва тест синовлари ўтказилади.

32. Махсус психологик танлов ҳар йили июнь-июль ойларида Агентлик томонидан қуйидаги мезон асосида баҳоланади:

тест топшириқларини бажариш учун 50 та тест саволига 40 дақиқа (жавоблар варақасини тўлдириш билан бирга) вақт берилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балл берилади;

махсус психологик танлов натижалари 0 баллдан 100 баллгача баҳоланади.

33. Психологик танлов ўтказиш жараёни Академия расмий веб-сайтида тўғридан-тўғри намоиш этиб борилади.

4-§. Академиянинг «тергов фаолияти» йўналиши бўйича ёзма имтиҳонни ўтказиш

34. Ёзма имтиҳон ҳар йили июнь-июль ойларида Агентлик томонидан диктант шаклида ўтказилади.

35. Ёзма имтиҳонни ўзбек тилида топшираётган номзодларга лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ёзиш талаб этилади.

36. Диктант матни 160 — 170 та сўздан иборат бўлади.

Номзодларга диктантнинг аудиоматни бир маротаба эшиттирилади. Аудиоматн тўлиқ эшиттирилгандан кейин номзодлар диктантни ёзишга тайёрланади.

Аудиоматндаги ҳар бир гап 2 маротаба эшиттирилади.

Диктант ёзиш якунлангандан сўнг аудиоматн яна бир маротаба тўлиқ эшиттирилади.

37. Ёзма имтиҳон қуйидаги мезон асосида баҳоланади:

максимал балл 100 баллни ташкил этади;

орфографик (имловий) ёки пунктуацион (тиниш белги) хатоликка йўл қўйилмаган диктант 100 балл билан баҳоланади;

ҳар бир орфографик ёки пунктуацион хатолик учун 4 баллдан айириб ташланади.

38. Қуйидаги ҳолатларда диктантдаги хатоликлар 1 та хато деб ҳисобланади:

айнан бир хил сўздаги орфографик хатоликлар такрорланса;

тиниш белгисини қўллаш билан боғлиқ хатолик айнан такрорланса.

39. Номзод жавоблар варақасини диктант ёзилмаган ҳолда топширса, «0» балл билан баҳоланади.

40. Ёзма имтиҳон ўтказиш жараёни Академия расмий веб-сайтида тўғридан-тўғри намоёиш этиб борилади.

5-§. Академиянинг «тергов фаолияти» йўналиши бўйича тест синовларини ўтказиш

41. Академиянинг «тергов фаолияти» йўналиши бўйича тест синовлари, қоида тариқасида, ҳар йили 1 — 10 август кунлари ўтказилади.

42. Қабул комиссияси қарорига асосан тест ўтказиш жараёни Академия расмий веб-сайтида тўғридан-тўғри намоёиш этиб борилади.

43. Номзодларни ўқишга қабул қилиш ўтказилган махсус психологик танлов, ёзма имтиҳон ва тест синовлари натижалари йиғиндиси асосида Академия томонидан амалга оширилади.

44. Номзод тест синовларини Академияда таълим олиш тилида топширади.

45. Тест синовлари ўтказиладиган фанлар мажмуаси, тест топшириқлари сони ва баҳолаш мезонлари тест синовлари бошланишидан камида 6 ой олдин Бош прокуратуранинг таклифига биноан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан белгиланади.

Бунда, номзодларга Академиянинг «тергов фаолияти» йўналишига ўқишга кириш учун тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси ва баҳолаш мезонлари мос бўлган давлат олий таълим муассасаларининг бештагача таълим йўналишлари бўйича танловда иштирок этиш имконияти берилади.

46. Номзод ўқиган чет тилидан қатъи назар, хоҳлаган чет тилидан тест синовларини топшириши мумкин.

Академияга ҳужжат топширган ва Агентлик томонидан берилган чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги сертификат (кейинги ўринларда — миллий сертификат) ёки халқаро сертификатнинг қуйидаги даражаларига эга бўлган абитуриентларга ушбу фандан имтиҳонларсиз белгиланган максимал балл берилади:

инглиз тили учун — миллий сертификат ёки International English Language Testing System (IELTS 5,5), Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT 72), Cambridge Assessment English (FCE, CAE) ва Linguaskill халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

немис тили учун — миллий сертификат ёки Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD II), TestDaF (TDN3), ECL, халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

француз тили учун — миллий сертификат ёки Diplome d'Etudes en Langue Francaise (DEL F, DAL F), Test de Connaissance du Francais (TCF) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

япон тили учун — миллий сертификат ёки Japanese Language Proficiency Test (JLPT № 2) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

бошқа тиллар (испан, турк, араб, форс, дари, хинд, урду, хитой, корейс, уйғур, итальян, пушту) учун — миллий сертификат ёки халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражаси В2 ва ундан юқори.

47. Тест синовлари Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори талаблари асосида амалга оширилади.

48. Тест синовлари ташкил этилаётган ўқув йилидан аввалги йилларда таълим муассасаларини тугатган номзодлардан (тўлиқ давлат таъминотидаги шахслар, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар ва уларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар бундан мустасно) тест синовларида иштирок этиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 60 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

49. Тест синовида белгиланган вақтда келмаган номзодлар учун қўшимча тест синовлари ўтказилмайди.

50. Ёзма имтиҳон ва тест синовлари натижаси бўйича берилган апелляция шикоятлари Агентликнинг апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Апелляция аризалари имтиҳон натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида қабул қилинади ва апелляция комиссияси томонидан мурожаат қилганларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда бир кундан уч кунгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

51. Номзодлар Агентлик томонидан тақдим этилган махсус психологик танлов, ёзма имтиҳон ва тест синовлари йиғиндиси натижалари асосида Академия бошлиғининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади ва уларга стипендия тайинланади.

52. Ўқишга қабул қилинган номзодлар ҳақидаги маълумотлар икки кун муддатдан кечикмасдан Агентликка тақдим этилади.

6-§. Академиянинг «тергов фаолияти» йўналишидан ташқари юриспруденциянинг бошқа йўналишлари бўйича ўқишга қабул қилиш

53. Академиянинг «тергов фаолияти» йўналишидан ташқари юриспруденциянинг бошқа йўналишлари бўйича қабул Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори талаблари асосида амалга оширилади.

54. Юриспруденциянинг бошқа йўналишларининг фаолият турлари Бош прокурор томонидан белгиланади.

3-боб. Ўқув жараёнини ташкил этиш

55. Академия бакалавриатида таълим Вазирлар Маҳкамасининг «Олий

таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарори билан белгиланган кредит-модуль тизими асосида ташкил этилади.

56. «Тергов фаолияти» йўналиши бўйича кундузги таълим шаклига ўқишга қабул қилинган фуқаро билан ўқиш (хизмат ўташ) ва ўқишни тамомлаганидан кейин уч календарь йили мобайнида тақсимот бўйича юборилганда ваколатли давлат органларида ёки бошқа давлат органларида мажбурий узлуксиз хизмат ўташ тўғрисида шартнома имзоланади.

57. Академияда ўқитиш тили белгиланган қабул параметрлари доирасида ҳужжатлар қабул қилинишига қадар Васийлик кенгаши томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

58. Бакалавриатда ўқитишни ташкил этиш жараёни бакалавриат факультети томонидан Академиянинг кафедра, марказ ва бўлимлари билан бирга амалга оширилади.

59. Бакалавриатда Академия ходимлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўқув методик, илмий-педагогик фаолияти, амалиёт ўташи ва ўқитишни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар Академия томонидан белгиланади.

60. Академиянинг «тергов фаолияти» йўналиши бўйича 1-курс талабаларининг ҳарбий тайёргарлик машғулотлари ташкил этилиб, ушбу машғулотлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий тайёргарлик ўқув марказида ўтказилади.

61. Академиянинг «тергов фаолияти» йўналиши бўйича бакалавриатда биринчи курс ва (ёки) иккинчи курс учун белгиланган ўқув жараёни якунланганидан сўнг талабалар (муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўтаганлар бундан мустасно) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда, шартнома асосида ёзги таътил даврида Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмда сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўтайди.

62. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари доирасида икки ҳафтагача бўлган муддатда ўқув-дала йиғинлари Бош прокуратура ва Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланадиган қўшма чора-тадбирлар режасига мувофиқ ташкил этилади.

63. Кейинчалик номзод талаба сифатида Академияга ҳарбийлаштирилмаган йўналиш бўйича ўқишга қабул қилинганидан сўнг, агар ҳарбийлар учун белгиланган талабларга жавоб берган тақдирда, унга хоҳишига кўра ҳарбийлаштирилган йўналишда ишлаш имконияти яратилади.

64. Талаба Академия талабалар сафидан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

ўз хоҳишига биноан;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия хулосаси асосида);

ўқув интизомини ва Академия ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун Академия кенгаши қарори асосида;

академик қарздорлиги учун;

ўқув йили давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);

суднинг ҳукми асосида озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (ушбу ҳолатда тингловчилар сафидан четлаштирилганлар қайта тикланмайди);

вафот этганлиги сабабли ёки суд қарорига асосан бедарак йўқолган ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда.

65. Интизомий жазо чораси қўлланилган талаба бундан норози бўлса, Бош прокуратура ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

66. Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йиғмажилдида сақланади.

67. Талаба Академиядан четлаштирилганда унга академик маълумотнома берилади.

68. Талаба, қуйидаги асосларга кўра ўқишдан четлаштирилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари асосида ўқишини қайта тиклаш ҳуқуқига эга:

ўз хоҳишига биноан;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

академик қарздорлиги туфайли;

ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун).

69. Давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида бакалавриятда таҳсил олаётган талабалар талабалар сафидан четлаштирилган тақдирда улар кейинги ўқув йилида тўлов-контракт асосида ўқишга тикланади.

70. Ўқишга тикланган тингловчилар модуллар бўйича олинмай қолган кредитларга мос равишда тўлов-контракт суммасини тўлайди.

71. Фанлар бўйича қайта таълим олиш учун тўлов қиймати Академия томонидан бутун ўқув йилининг контракт суммасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Қайта таълим олиш учун тўлов механизми Академия томонидан бир кредит қийматини ҳисоблаш асосида белгиланади. Бир кредит қиймати ўқув йили давомидаги таълим олиш учун тўланадиган умумий суммани режалаштирилган кредитлар миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

72. Талаба томонидан четлаштирилгунга қадар ўзлаштирган синов бирликлари миқдори Академия томонидан тўлиқ ҳажмда ҳисобга олинади. Академик қарздорлиги туфайли тингловчилар сафидан четлаштирилган талабалар кейинги ўқув йилида тегишли ўқув семестридан бошлаб фақат ўзлаштира олмаган модулларни такроран ўқиши мумкин.

73. Шартнома асосида талабани ўқишга қайта тиклаш сони чегараланмайди.

4-боб. Тергов фаолияти йўналиши бўйича битирувчиларни тақсимотга мувофиқ ишлаб беришни ташкил этиш

74. Давлат гранти асосида битирувчилар (кейинги ўринларда — битирувчилар) ваколатли давлат органларининг ҳудудлар кесимидаги эҳтиёжлари бўйича берилган таклифлари асосида ушбу органларга ишга қабул қилиниши таъминланади.

75. Битирувчиларни ваколатли давлат органларига хизматга тақсимлаш учун Академияда тақсимот комиссияси тузилади.

Тақсимот комиссиясига Васийлик кенгаши раиси раислик қилади ҳамда унинг таркибига ваколатли давлат органлари вакиллари билан бир қаторда бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳам, уларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда киритилиши мумкин.

76. Битирувчиларни ишлаб бериш учун тақсимлаш ҳар йили, қоида тариқасида, битирувчи ўқишни тамомлагандан сўнг, бир ойдан кечиктирмай амалга оширилади.

77. Тақсимот комиссияси томонидан битирувчининг рейтинг натижалари ва талабани ўрганиш жараёнида йиғилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини, шунингдек ҳарбий-тиббий комиссия хулосасини инобатга олиб, ваколатли давлат органларида хизматни ўташ учун битирувчига ушбу Низомга 2-иловада* келтирилган шаклдаги йўлланма берилади.

78. Тақсимот комиссиясининг битирувчини хизматга тақсимлаш ҳақидаги қарори қабул қилинганидан сўнг Академия томонидан ҳар бир битирувчига уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда олий маълумот тўғрисидаги дипломдан кўчирма берилади.

79. Тақсимот комиссияси қарори асосида ваколатли давлат органларига йўлланма берилган битирувчилар билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома (контракт) тузилади. Битирувчининг хизмат вазифаларини бажаришга киришганлиги ҳақида ушбу Низомга 3-иловада* келтирилган шаклдаги маълумотнома (кейинги ўринларда — маълумотнома) иш берувчи ташкилот томонидан Академияга тақдим этилади.

Академия маълумотнома асосида ушбу Низомга 4-иловада* келтирилган шаклдаги журналга мувофиқ ҳар бир битирувчининг ҳисобини юритади.

80. Битирувчи 3-курс давомида қайта ўтказиладиган махсус ўрганишдан ўтмаганда ёки ваколатли давлат органларининг ҳарбий-тиббий комиссияси хулосасига кўра хизматга номувофиқ деб топилганда битирувчиларга мустақил ишга жойлашиш имконияти берилганлиги тўғрисида маълумотнома ва олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг асли берилади.

Битирувчи мазкур махсус ўрганишдан ўтмаганда ёки ҳарбий-тиббий комиссияси хулосасига кўра хизматга номувофиқ деб топилганда, у белгиланган компенсация тўловидан озод этилади.

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

81. Уч йиллик ишлаб бериш муддати давомида битирувчи хизматдан бўшатиладиганда, ваколатли давлат органлари ҳудудий давлат органлари раҳбари томонидан тегишли маълумот беш иш куни мобайнида Академияга тақдим этилади.

Бунда, компенсация миқдори битирувчи томонидан ишлаб берилган вақтга пропорционал тарзда ҳисоблаб чиқилади.

Академия битирувчи томонидан компенсация миқдорини тўлашни таъминлаш, шунингдек заруратга кўра, суд тартибида ундириш чорасини кўради.

Битирувчидан ундирилган компенсация маблағлари тўлиқ ҳажмда Академия ҳисобига тўланади.

82. Мазкур Низомга мувофиқ битирувчи хизмат бурчини бажариш вақтида меҳнат лаёқатини йўқотганлиги сабабли (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) ишлаб бериш имкониятига эга бўлмаганда Васийлик кенгаши қарори асосида компенсация тўловидан озод этилади.

83. Битирувчининг уч йиллик ишлаб бериш муддати тугагандан сўнг хизматни давом эттириш ҳақидаги масала қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ иш берувчи ва ходим ёки ҳарбий хизматчи ўртасида ўзаро келишувга асосан ҳал этилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

84. Давлат гранти асосида ўқишни тамомлаган Академия бакалавриятининг битирувчиларига ваколатли давлат органларида уч йил ишлаб бериш (хизматни ўташ) мажбурияти юкланади.

Академияга ўқишга киришдан олдин номзод Академияга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган ва бакалавриятни битирган тақдирда, суриштирув ва тергов фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга давлат органларида ишлаб бериш (хизматни ўташ) мажбуриятини бажаришдан бош тортганида ёки уч йиллик муддатдан илгари меҳнат қонунчилигига асосан ёхуд хизматни лозим даражада бажармаганлиги ёки содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли меҳнат қилиш (хизматни ўташ) мумкин бўлмай хизматдан (ишдан) бўшатиладиганда, ўқишни битирган вақтидаги Академияда амалда бўлган тўлов-шартнома суммасининг йигирма беш баравари миқдорида Академияга компенсация тўлаганидан сўнг диплом берилиши тўғрисида огоҳлантирилади.

Огоҳлантириш хати орқали зиммасига юкланадиган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига кафолат бериши тўғрисида мажбурият шартлари ҳамда унинг бажарилмаслиги юзасидан моддий жавобгарлик бўйича ўқишга кириш учун ҳужжат топшириш жараёнида ушбу Низомга 5-иловада* келтирилган шаклдаги огоҳлантириш хати орқали таништирилади.

Битирувчи томонидан тўлов амалга оширилганидан сўнг унга диплом берилиши таъминланади.

Огоҳлантириш хатини имзолашни рад этган фуқаролар Академияга қабул қилинмайди.

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

85. Академияда таълим олаётган талабалар ўқишини бошқа олий таълим муассасаларига, шунингдек бошқа олий таълим муассасалари талабалари ўқишини Академияга кўчириш мумкин эмас.

86. Мазкур Низомда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Академия ҳамда ваколатли давлат органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан қопланади.

87. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 6 апрелдаги 143-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси магистратурасига ўқишга қабул қилиш ва
ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (кейинги ўринларда — Академия) магистратурасига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Академиянинг Мувофиқлаштириш-васийлик кенгаши (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) — Академиянинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (кейинги ўринларда — Бош прокурор) раҳбарлик қиладиган жамоатчилик бошқаруви органи;

Академия қабул комиссияси — «тергов фаолияти» магистратура мутахассислиги (кейинги ўринларда — «тергов фаолияти» мутахассислиги)дан бошқа мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилиш учун танлов ўтказиш, номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш ва уларга маслаҳатлар бериш ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш учун ҳар йили Бош прокурор буйруғи билан камида 7 нафар аъзодан иборат таркибда тузиладиган Академия бошлиғи раислигида тузиладиган комиссия;

ваколатли давлат органлари — қонунчиликка мувофиқ суриштирув ва тергов фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга давлат органлари;

Идоралараро қабул комиссияси — «тергов фаолияти» мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилиш учун танлов ўтказиш, номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш ва уларга маслаҳатлар бериш ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш учун Бош прокурор буйруғи билан ваколатли давлат органларидан камида 7 нафар аъзодан иборат таркибда тузиладиган Васийлик кенгашининг ваколатли аъзоси раислик қиладиган комиссия;

номзод — Академияга ўқишга кириш учун белгиланган тартибда рўйхат-

дан ўтган ҳамда ушбу Низом талаблари асосида танловларда иштирок этувчи шахслар;

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг кенгаши (кейинги ўринларда — Академия кенгаши) — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Академия фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш мақсадида тузиладиган коллегиял маслаҳат органи.

Ушбу бандда қайд этилган комиссиялар фаолиятига Академия ва ваколатли давлат органлари ходимлари, шунингдек бошқа давлат органлари ва ташкилотлар, тегишли фанлар бўйича экспертлар жалб қилиниши мумкин.

3. Академия магистратурасига (кейинги ўринларда — магистратура) ўқишга қабул қилиш:

«тергов фаолияти» мутахассислиги бўйича — Васийлик кенгаши томонидан ваколатли давлат органларининг ҳудудлар кесимидаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиладиган таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган;

бошқа мутахассисликлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (кейинги ўринларда — Бош прокуратура) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган;

белгиланган қабул параметрларидан ташқари Академия кенгаши томонидан белгиланадиган табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул параметрларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Магистратурага қуйидаги шахслар танлов асосида қабул қилинадилар:

а) «тергов фаолияти» мутахассислиги бўйича:

Академиянинг «тергов фаолияти» бакалаврият таълим йўналишини таъминлаган битирувчилари;

ваколатли давлат органларида камида 3 йил хизматни ўтаган «Юриспруденция» бакалаврият таълим йўналиши бўйича таянч олий юридик маълумотга эга амалдаги ходимлари (ҳарбий хизматчилари);

б) бошқа мутахассисликлар бўйича:

«Юриспруденция» бакалаврият таълим йўналиши бўйича таянч олий юридик маълумотга эга шахслар (кейинги ўринларда — ташқи номзодлар);

«Юриспруденция» бакалаврият таълим йўналиши бўйича таянч олий юридик маълумотга эга прокуратура органларининг ходимлари (шу жумладан, амалдаги кадрлар захирасидаги ходимлари), шунингдек бошқа мутахассислик йўналишлари бўйича олий маълумотга ва бевосита прокуратура органларида камида 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимлари (кейинги ўринларда — ички номзодлар).

Давлат гранти асосида ўқишни таъминлаган Академия бакалавриятининг битирувчилари ўқишга қабул қилинган тақдирда, магистратурадаги ўқиш даври уларнинг ваколатли давлат органларида камида уч йил ишлаб бериш (хизматни ўташ) мажбуриятини ҳисоблашда инobatга олинмайди.

5. Магистратурага ўқишга қабул қилиш номзодлар учун тенг ҳуқуқлик, қабулнинг ягона қоидалари ва танлов асосида амалга оширилади.

6. «Тергов фаолияти» мутахассислиги бўйича магистратуранинг кундузги

шаклига ўқишга қабул қилинган ваколатли давлат органлари ходимлари, шунингдек бошқа мутахассисликлар бўйича тасдиқланган қабул параметрлари доирасида магистратуранинг кундузги шаклига ўқишга қабул қилинган ички номзодларни ўқитиш бепул асосда амалга оширилади.

Бошқа мутахассисликлар бўйича тасдиқланган қабул параметрлари доирасида танловда энг юқори балл тўплаган номзодлар давлат грантлари бўйича биринчи навбатда, қолганлар рейтинг баллари асосида тўлов-контракт, шунингдек квотадан ташқари Академия кенгашининг қарорига мувофиқ белгиланадиган табақалаштирилган тўлов-контракт асосида магистратурага ўқишга қабул қилинади.

Тўлов-контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқдорини белгилаш бир талабани ўқитиш билан боғлиқ асосланган харажатлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда Академия кенгаши томонидан амалга оширилади.

Ички номзодларни табақалаштирилган тўлов-контракт асосида магистратурага ўқишга қабул қилиш унинг аризаси ва бевосита раҳбари томонидан имзоланган тавсияномаси асосида амалга оширилади.

7. Танлов ҳар йили фақат бир марта ўтказилади.

«Тергов фаолияти» мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилиш уч босқичда, яъни тест шаклида ўтказиладиган махсус психологик танлов, ёзма имтиҳон (эссе) ва чет тилидан тест синови орқали амалга оширилади.

Бошқа мутахассисликлар бўйича танлов ташқи номзодлар учун абитуриентнинг бакалавриат диплом бали ўртача кўрсаткичи ҳамда хорижий тилни билиш даражаси бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификат бали асосида, баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади ҳамда қўшимча имтиҳон ўтказилмайди.

Ички номзодлар учун танлов ўтказиш тартиби Бош прокурор томонидан белгиланади.

8. Махсус психологик танлов, қоида тариқасида, июль ойида, ёзма имтиҳон ва тест синовлари эса август ойида бир ҳафта муддатда, магистратурада ўқитиладиган тилда ўтказилади.

9. Ёзма имтиҳон номзодларнинг мутахассислик фанлари бўйича таҳлил, ҳуқуқий манбалар билан мустақил ишлаш ҳамда ҳуқуқий масалалар бўйича хулосаларни баён этиш борасида қобилиятларини аниқлашга қаратилган.

Шунингдек, номзодларнинг чет тилларини билишнинг тегишли даражасини аниқлаш мақсадида тест синови ўтказилади.

10. Магистратурага қабул қилишни ташкил этиш ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

11. Магистратурада ўқув жараёни таълимнинг кундузги, кечки, сиртқи ва масофавий шакллари асосида ташкил этилади.

Магистратурада ўқиш муддати:

кундузги ва кечки таълим шаклида — бир йил;

сиртқи ва масофавий таълим шаклида — ўқув дастурларидан келиб чиқиб, Академия кенгашининг қарори билан бир ярим йилдан икки йилгача этиб белгиланади.

Магистратурадаги таълимнинг сиртқи шаклидаги ўқув жараёни, қоида

тариқасида, махсус дастурий таъминот ёрдамида онлайн, модуллар бўйича назорат синовлари эса анъанавий тарзда амалга оширилади.

12. Магистратуранинг «тергов фаолияти» мутахассислиги бўйича таълимнинг кундузги шаклига ўқишга қабул қилинган ваколатли давлат органлари ходимлари, шунингдек, бошқа мутахассисликлар бўйича магистратуранинг кундузги шаклига ўқишга қабул қилинган прокуратура органлари ходимларининг эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи ўқиш даври мобайнида сақлаб қолинади.

Академияда ўқиш даври ваколатли давлат органлари ходимлари учун пенсияга чиқиш, унвон (даража) олиш ва кўп йиллик хизматини ҳисоблаш ҳуқуқини берувчи умумий хизмат (ҳарбий хизмат) стажига ўқишнинг бир йили хизмат (ҳарбий хизмат)нинг бир йилига тенглаштирилган ҳолда кирилади.

13. Магистратура битирувчиларига тегишли мутахассисликлар бўйича давлат намунасидаги диплом ва «ҳуқуқ магистри» даражаси, шунингдек Бош прокурор томонидан тасдиқланадиган намунадаги академик кўкрак нишони берилади.

Академия магистратурасини тамомлаганлик тўғрисидаги диплом ҳарбий хизмат (хизмат)ни ўташда Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари Академиясининг икки йиллик магистратура дастурини, Ички ишлар вазирлиги Академиясининг иккинчи даражадаги магистратурасини тамомлаганлик тўғрисидаги дипломларга тенглаштирилади.

Ўқиш якунлари бўйича юқори натижаларга эришган ваколатли давлат органлари ходимлари магистратурани тамомлаши билан, қоида тариқасида, илгари эгаллаб турган лавозимига нисбатан юқори лавозимга тайинланади.

Ўқишда юқори натижалар қайд этган ташқи номзодлар эса Академия кенгашининг қарорига кўра прокуратура органларига хизматга тавсия этилган тақдирда, улар фақат офицерлар таркибига кирувчи даражали унвон берилиши кўзда тутилган лавозимларга тайинланади.

2-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш

14. Идоралараро қабул комиссияси ва Академия қабул комиссияси (кейинги ўринларда — Қабул комиссиялари) томонидан ҳар йили 1 майдан бошлаб ўқишга қабул қилиш муддатлари, мутахассислик номлари, қабул параметрлари тўғрисидаги маълумотлар Академия ва ваколатли давлат органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилиши ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши таъминланади.

Қабул комиссиялари фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш ушбу комиссияларнинг масъул котиблари томонидан амалга оширилади.

Қабул комиссияларининг масъул котиби Бош прокурор томонидан белгиланади.

Қабул комиссиялари фаолиятида унинг уч ва ундан ортиқ аъзолари ҳамда комиссия раиси иштирок этганда, у ваколатли ҳисобланади.

15. Магистратурага ўқишга кириш учун ҳужжатлар ҳар йили:

«тергов фаолияти» мутахассислиги бўйича — 10 майдан 10 июнга қадар;

бошқа мутахассисликлар бўйича — 10 июндан 31 июлга қадар қабул қилинади.

16. Магистратурага ўқишга қабул қилиш учун номзодлардан қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

маълумотнома-объективка;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID-карта) нусхаси;

олий маълумот тўғрисидаги диплом (илоvasи билан) ёки дипломдан кўчирма (Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун);

ташқи номзодлар учун — чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи В2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки халқаро сертификатларнинг электрон нусхаси (ички номзодлар учун мавжуд бўлганда);

ички номзодлар учун — номзоднинг бевосита раҳбари томонидан имзоланган тавсиянома ҳамда аттестация комиссияси қарори.

17. Номзодлар томонидан ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) махсус электрон платформаси орқали тақдим этилади.

Номзодлар иш тажрибаси ва касб малакасига оид қўшимча маълумотларни ҳам тақдим этишлари мумкин.

18. Номзодлар томонидан ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг, уларга шу куннинг ўзида ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида электрон шаклда хабарнома юборилади.

19. Ҳужжатлар белгиланган муддатда тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, номзодга камчиликларни бартараф этиш ва ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагунга қадар уларни такроран тақдим этиш имконияти берилади.

Ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагандан сўнг уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади.

20. Ҳужжат топширган номзодларнинг рўйхати электрон шаклда автоматик тарзда шакллантириб борилади.

21. Прокуратура органлари ходимларининг хизмат бўйича лавозимга лойиқлигини аниқлаш мақсадида, шунингдек ички номзодлар билан суҳбат ўтказиш ҳамда магистратурага танловда иштирок этишга тавсия этилган ички номзодларнинг рўйхатини шакллантириш мақсадида Бош прокурорнинг буйруғи билан аттестация комиссиялари тузилади.

Ички номзодларнинг назарий билим ва амалий салоҳияти даражаси, шунингдек илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш учун зарур бўлган қобилият ва кўникмаларга эга эканлигини аниқлаш мақсадида тегишлилиги бўйича улар хизмат олиб бораётган жойдаги прокуратура органларининг аттестация комиссияси томонидан суҳбат ўтказилади ва ички номзодларнинг шахсий йиғмажилдларидаги ҳужжатлари ўрганилади.

22. Ички номзодлар билан ўтказилган суҳбат ҳамда уларга оид ҳужжатларни ўрганиш натижасига кўра, аттестация комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

ички номзодни магистратурага танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисида;

ички номзодни магистратурага танловда иштирок этишга тавсия этишни рад қилиш тўғрисида.

23. Аттестация комиссияларида ички номзодлар билан суҳбат ўтказиш, суҳбат натижасига кўра магистратурага танловда иштирок этишга тавсия этилган ички номзодларнинг рўйхатини шакллантириш магистратурага кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагунига қадар амалга оширилади.

3-боб. Танловни ташкил этиш

24. Танловни ушбу Низомга қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этиш Қабул комиссияларига юклатилади. Танлов Қабул комиссиялари ва (ёки) у томонидан белгиланган бошқа ваколатли ташкилот томонидан ўтказилади.

25. Масъул котиб танловни ўтказиш санасини белгилаш ҳамда унда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган номзодлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида Қабул комиссияларига тақдимнома киритади ва бу ҳақда Қабул комиссиялари раисларининг тегишли буйруғи қабул қилинади.

26. «Тергов фаолияти» мутахассислиги бўйича танловга киритилган фанлар дастури, қоида тариқасида, ёзма имтиҳон ўтказилишидан бир ой олдин Академия расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

27. Танлов бошлангунга қадар Идоралараро қабул комиссияси тасдиқлаган жадвалга мувофиқ консултациялар ташкил этади.

28. Идоралараро қабул комиссияси раиси томонидан комиссия аъзолари, Академиянинг бошқа ходимлари ва келишув асосида жамоатчилик вакиллари аудиторияларга масъул (аудитория кузатувчиси) этиб жалб қилинади.

Танловни ўтказиш жараёни видеотасвирга олинади ва ундан нусха кўчириш тақиқланади.

29. Танлов ўтказиладиган бинода имтиҳон материалларини тарқатиш, йиғиб олиш ва сақлаш учун имтиҳон вақтида сейфлар билан жиҳозланган махсус хона-штаб тайёрланади.

30. Танлов ўтказиладиган бино ва аудиторияларда уларни ўтказиш учун санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига, ёнғин хавфсизлиги фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига тўлиқ жавоб берадиган зарур техник, тиббий ва маиший шароитлар яратилади.

31. «Тергов фаолияти» мутахассислиги бўйича имтиҳон топшириқлари психологик танлов, мутахассислик фанлари ҳамда чет тиллари бўйича саволлар ва вазифалар шаклида тузилади.

32. Имтиҳон саволлари ва вазифаларини тузишда қуйидаги талабларга алоҳида эътибор қаратилади:

а) психологик танлов бўйича:

психологик танлов номзодларнинг қуйидаги индивидуал-психологик хусусиятларини аниқлашга йўналтирилади:

ақл-заковати, умумий интеллектуал салоҳияти;

мантикий фикрлаши, зийраклиги, фикрлаш тезлиги ва таҳлил қилиш қобилиятлари;

б) мутахассислик фанлари бўйича:

номзодларда таҳлилий фикрлаш даражасини, ҳуқуқий манбалар билан мустақил ишлаш, шунингдек ҳуқуқий масалалар бўйича хулосаларни баён этиш қобилиятини аниқлашга қаратилиши;

тегишли фан ўқув дастурига, шунингдек тегишли соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги;

мамлакатда ўтказилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларини акс эттириши;

лўнда, оддий ва рагон тилда баён этилиши;

фойдаланилган тушунча ва атамаларни турлича изоҳлаш имкониятини истисно этиши, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида ва фанда қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилиши;

умумқабул қилинган грамматик, орфографик, пунктуация қоидаларига мувофиқ расмий тил услублари ва юридик терминологиядан фойдаланган ҳолда тузилиши;

в) чет тиллари бўйича:

номзодларнинг матн ва атамаларни тушуниш ҳамда улардан фойдалана олиш даражасини аниқлашга қаратилиши;

қисқа, аниқ ва тушунарли тил билан ифодаланиши ҳамда В2 даражасига мувофиқлиги;

умумқабул қилинган грамматик, орфографик ва пунктуация қоидаларига мувофиқлиги.

33. Ёзма имтиҳон саволлари ва вазифаларини тузиш мақсадида Академия ходимлари ва тегишли соҳанинг малакали мутахассисларидан иборат таркибда Академия бошлиғи томонидан эксперт гуруҳи ташкил этилади.

Имтиҳон саволлари ва вазифаларининг сифати ҳамда тўғри тузилганлиги бўйича масъулият эксперт гуруҳи раҳбарига юкланади.

34. Чет тилидан кириш имтиҳонлари саволлари ва вазифалари инглиз, немис, француз тилида ёки Идоралараро қабул комиссияси қарорига кўра, номзоднинг хоҳишини инобатга олиб, бошқа тилда ҳам тузилиши мумкин.

35. Эксперт гуруҳи томонидан билетлар шаклида тузилган кириш имтиҳонлари саволлари ва вазифалари масъул котибга сақлаш учун топширилади.

36. Танловларни ўтказиш вақти ва жойи тўғрисидаги маълумотлар Идоралараро қабул комиссияси томонидан танловлар бошланишидан камида бир ҳафта олдин номзодлар эътиборига етказилиши лозим.

37. Танловда иштирок этиш учун номзодлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан белгиланган вақт ва жойга келишлари лозим.

Белгиланган вақтдан кеч қолган номзодлар имтиҳонга киритилмайди, шунингдек келмаган номзодлар учун қўшимча имтиҳон ўтказилмайди ва бундай номзодларга тегишли имтиҳон учун «0» балл қўйилади.

38. Имтиҳон куни аудиторияга ўқув адабиёти, луғат, маълумотнома, жадвал, конспект, ёзув дафтари, қоғоз ёки электрон шаклдаги шпаргалка-

лар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, калькулятор, алоқа воситалари, аудио, фото ва видео ёзиш қурилмаларини олиб кириш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек имтиҳон саволлари ва вазифалари юзасидан номзодларнинг ўзаро суҳбатлашиши тақиқланади.

39. Номзодларнинг имтиҳон давомида аудиториядан чиқиши тақиқланади. Соғлигининг ёмонлашиши ва бошқа зарур ҳолатларда номзодларга имтиҳон материалларини қолдириб, кузатув остида аудиториядан чиқишга рухсат берилади.

40. Белгиланган тартибни бузган номзод кириш имтиҳонларидан четлаштирилади, бунда аудитория кузатувчиси томонидан далолатнома расмийлаштирилиб, ушбу номзоднинг имтиҳон жавоблари баҳоланмайди ҳамда у имтиҳонда иштирок этмаган деб ҳисобланади.

41. Танлов ўтказилаётган вақтда Идоралараро қабул комиссияси аъзолари ва ушбу комиссия томонидан танловни ўтказишга жалб этилганлардан ташқари шахсларнинг танлов ўтказиладиган бинога (аудиторияга) кириши тақиқланади.

42. Кириш имтиҳонлари учун максимал балл 150 баллни ташкил этади, ушбу баллар қўйидагилардан ташкил топади:

мутахассислик фанлари бўйича ёзма имтиҳон — 0 баллдан 100 баллгача.

Бунда, ҳар бир жавоб 100 баллик тизимда баҳоланиб, ушбу баллар қўшилади ҳамда саволлар ва вазифалар сонига бўлинади, ҳосил бўлган қиймат тегишлича имтиҳондан олинган якуний балл ҳисобланади;

чет тили бўйича ёзма имтиҳон — 0 баллдан 50 баллгача.

43. Кириш имтиҳонлари натижалари Идоралараро қабул комиссияси томонидан тасдиқланадиган баҳолаш мезонларига мувофиқ баҳоланади.

44. Танлов натижалари Академия қабул комиссиялари томонидан Академия расмий веб-сайтида дарҳол эълон қилинади.

4-боб. Танловни ўтказиш

45. Танлов психологик танлов, мутахассислик фанларидан ёзма имтиҳон (эссе) ва чет тили фани бўйича тест синовидан иборат бўлади.

46. Эксперт гуруҳи томонидан танловни ўтказиш учун мутахассислик фанлари бўйича савол ва вазифалар тузилади. Бунда, мутахассислик фанларидан ёзма имтиҳон, қоида тариқасида, 2 та савол ва вазифадан иборат бўлади.

47. Ёзма имтиҳон учун таклиф этиладиган савол ҳамда вазифаларнинг таркибини тасдиқлаш Идоралараро қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.

48. Психологик танлов учун 50 та ва чет тилидан 30 та тест саволлари ҳамда вазифалари Агентлик томонидан тузилади ва ўтказилади.

49. Махсус психологик танлов Агентлик томонидан қўйидаги мезон асосида баҳоланади:

тест топшириқларини бажариш учун тест саволларига 40 дақиқа (жавоблар варақасини тўлдириш билан бирга) вақт берилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балл берилади;

махсус психологик танлов натижалари 0 баллдан 100 баллгача баҳоланади, 20 баллдан паст балл тўплаган номзодлар танловнинг кейинги босқичига қўйилмайди;

махсус психологик танлов натижалари апелляция тартибида кўриб чиқилмайди.

50. Шакллантирилган ёзма имтиҳон билетлари конвертларга солинади, улар ўз навбатида тегишли мутахассисликлар бўйича аудиториялар сонини ҳисобга олган ҳолда алоҳида пакетларга солинади. Конвертлар ва пакетлар Идоралараро қабул комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади ва штабда сақланади.

51. Аудитория кузатувчилари номзодлар гувоҳлигида ёзма имтиҳон билетлари солинган конвертлар муҳрланганлигига ишонч ҳосил қилгач, уларни очади.

Аудитория кузатувчилари ёзма имтиҳон билетларига жавоб ёзиш учун мўлжалланган қатъий ҳисобда турувчи рақамланиб, муҳрланган дафтарларни тартиб билан тарқатади.

Бунда, дафтарларнинг варақлари алмаштириш имконини истисно қиладиган тарзда Идоралараро қабул комиссияси муҳри ва комиссия раисининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

52. Аудитория кузатувчилари номзодларга дафтар муқовасида ўз фамилияси, исми, отасининг исмини кўрсатиши, дафтар варақларини букламаслик, фарқ қилувчи белгилар қўймаслик, ёзувлар тагига чизмаслик, жавобларни белгилашда кўк ҳаворанг шарикли ручкадан бошқа ручкадан фойдаланмаслик ҳақида тушунтириш бериши, шунингдек ушбу талабларни бузиш ёзма имтиҳон ўтказиш тартибини бузиш деб ҳисобланиши ҳақида уларни огоҳлантириши лозим.

53. Ёзма имтиҳон (эссе)ни ёзишга, қоида тариқасида, тўрт соат вақт берилади.

54. Ёзма имтиҳон (эссе) яқунлангач, аудитория кузатувчилари ҳар бир дафтарнинг муқоваси ва биринчи варағига махсус шифрлар қўйиб, дафтарлар муқовасини йиртиб олади ва дафтарлар солинган қутиларни, шунингдек муҳрланиб, имзоланган конвертга солинган дафтарлар муқоваларини масъул котибга топширади.

55. Ёзма ишларни текшириш ва баҳолаш мақсадида имтиҳон яқунланган куннинг ўзида Академия бошлиғининг буйруғи билан махсус комиссия ташкил этилади.

56. Махсус комиссия аъзолари томонидан ёзма ишларни текшириш ва баҳолаш учун ажратилган хонага уяли телефонлар, бошқа алоқа ва телекоммуникация воситаларини олиб кириш тақиқланади.

Ёзма ишларни текшириш жараёнини онлайн кузатиб боришни таъминлаш мақсадида мазкур жараён Академия расмий веб-сайтида тўғридан-тўғри намоёниш этиб борилади.

57. Махсус комиссия раиси дафтарлар солинган қутиларни масъул котибдан қабул қилиб олиб, махсус комиссия аъзолари иштирокида очади ва дафтарларнинг муқовалари ажратилганлиги ва шифрланганлигини текширади.

Муқоваси ажратилмаган, шифрланмаган ёки номзоднинг шахсини аниқлаш имконини берувчи бошқа белгилар мавжуд бўлган дафтарлар аниқланган тақдирда, далолатнома тузилади. Бундай ишлар текширилмайди.

58. Ёзма иш натижалари тегишли шифрлар билан алоҳида қайдномага киритилади.

Дафтарлар ва ёзма иш натижалари қайдномаси қутиларга солинади ҳамда махсус комиссия раиси томонидан масъул котибга топширилади.

Ўқишга қабул қилинган номзодларнинг ёзма ишлари уларнинг ўқиш даврлари мобайнида, қабул қилинмаган номзодларнинг ёзма ишлари 6 ой давомида сақланади, сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

59. Ёзма иш натижалари Идоралараро қабул комиссиясининг раиси томонидан тасдиқланадиган баённома шаклидаги қарор билан расмийлаштирилади.

60. Чет тили бўйича имтиҳон Агентлик томонидан ушбу Низом қоидаларини инобатга олган ҳолда, Академия билан келишилган тартибда ўтказилади ва баҳоланади.

61. Миллий сертификат ёки халқаро сертификатларнинг қуйидаги даражаларига эга бўлган номзодларга чет тилидан имтиҳонларсиз максимал балл берилади:

инглиз тили учун — B2 («Multilevel» тест синовида камида 51 балл) ва ундан юқори даражадаги миллий сертификат ёки International English Language Testing System (IELTS 5.5), Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT 72), Cambridge Assessment English FCE халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

немис тили учун — B2 ва ундан юқори даражадаги миллий сертификат ёки Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD), Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

француз тили учун — B2 ва ундан юқори даражадаги миллий сертификат ёки Diplome d'Etudes en Langue Francaise (DEL F), Test de Connaissance du Francais (TCF) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

япон тили учун — B2 ва ундан юқори даражадаги миллий сертификат ёки Japanese Language Proficiency Test (JLPT № 2) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

бошқа тиллар (испан, турк, араб, ҳинд, хитой, корейс, итальян) учун — миллий сертификат ёки халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражаси B2 ва ундан юқори.

5-боб. Танлов натижалари бўйича шикоятларни кўриб чиқиш

62. Танлов натижаларидан норози бўлган номзодлар натижалар Академия расмий веб-сайтида эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни давомида Апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

63. Танлов натижалари бўйича номзодларнинг шикоятларини кўриб

чиқиш учун қабул комиссиялари фаолиятида иштирок этмаган шахслар орасидан камида 5 нафар аъзодан иборат Бош прокурор буйруғи билан апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссияси тақдим этилган апелляцияни у келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида кўриб чиқади. Номзод апелляцияни кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Апелляция кўриб чиқиладиган кун ҳақида номзодга хабар берилади.

64. Апелляция комиссияси томонидан апелляцияни кўриб чиқишда танловнинг тўғри ўтказилганлиги, ёзма имтиҳон жавобларининг холис текширилганлиги ва тўғри баҳоланганлигига баҳо берилади ҳамда унинг натижаси бўйича апелляция комиссияси аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

номзоднинг шикоятини қаноатлантириш тўғрисида;

танлов натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва номзоднинг шикоятини қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида.

Апелляцияни кўриб чиқиш жараёнида иштирок этмаган номзодга апелляцияни кўриб чиқиш натижасида қабул қилинган қарор тўғрисида қарор қабул қилинган куни ахборот-коммуникация воситалари орқали хабар берилади.

Апелляция комиссияси қарори комиссия раиси, аъзолари ва котиби томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

65. Зарур ҳолларда, апелляцияни кўриб чиқиш жараёнига махсус комиссия аъзолари, аудитория кузатувчилари ва бошқа шахслар жалб қилиниши мумкин.

66. Номзоднинг шикояти қаноатлантирилган тақдирда, апелляция комиссияси номзоднинг имтиҳон ишига узил-кесил балл қўяди.

Апелляция комиссияси қарори устидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

6-боб. Магистратурага қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш

67. Қабул комиссияси томонидан номзодларнинг танловда олган баллари жамланиб, умумий қайдномада ҳар бир мутахассислик бўйича ташқи ва ички номзодларнинг алоҳида рўйхати шакллантирилади.

Рўйхатда номзодлар ҳар бир мутахассислик бўйича тўпланган энг юқори баллдан бошлаб камайиб бориш тартибида ҳамда давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинганлар кетма-кетлигида жойлаштирилади.

Бунда, таълимнинг кундузги шакли бўйича бир ўқув йилида қабул параметрлари доирасида ички номзодлардан:

бир худуддан, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокуратуралари ва унга тенглаштирилган прокуратуралар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюросидан номзоднинг тўплаган бали кетма-кетлигига кўра кўпи билан 2 нафардан;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси марказий маҳкамасининг

таркибий бўлинмаларидан 1 нафардан, Академиядан кўпи билан 2 нафар номзод ўқишга қабул қилиниши мумкин.

68. Қабул параметрлари ва танлов натижаларидан келиб чиқиб, Академия қабул комиссияси томонидан минимал ўтиш баллари белгиланади.

69. Танлов натижаларига кўра, қабул параметрлари бўйича белгиланган рўйхатда охириги ўринда турувчи номзоднинг тўплаган жами бали билан ундан кейинги ўринда турувчи номзодларнинг тўплаган баллари бир хил бўлса, уларнинг барчаси ўқишга қабул қилинади.

70. «Тергов фаолияти» мутахассислигидан бошқа мутахассисликлар бўйича тасдиқланган қабул квоталари тўлмай қолган тақдирда, бошқа мутахассисликка ўқишга кириш учун ҳужжат топшириб, белгиланган минимал ўтиш балидан кам балл тўплаган номзодлар баллар кетма-кетлиги бўйича Қабул комиссиясининг қарори асосида тўлмай қолган мутахассислик квотаси доирасида ўқишга тавсия этилади.

71. Умумий қайднома асосида Идоралараро қабул комиссияси томонидан «тергов фаолияти» мутахассислиги, бошқа мутахассисликлар бўйича Академия қабул комиссияси томонидан номзодларни магистратурага ўқишга қабул қилишга тавсия этиш тўғрисида баённомалар расмийлаштирилиб, тасдиқланади.

72. Қабул комиссиялари баённомаларига асосан Академия бошлигининг номзодларни давлат гранти асосида магистратура тингловчилари сафига қабул қилиш ҳамда тўлов-контракт асосида номзодларни дарсга қўйиш ҳақидаги буйруғи чиқарилади ҳамда бу ҳақдаги маълумот Академия расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тавсия этилган номзодлар шартномада белгиланган тўлов суммасининг тегишли қисмини белгиланган муддатда тўлаган тақдирда Академия бошлигининг магистратура тингловчилари сафига қабул қилиш ҳақида буйруғи чиқарилади.

73. Тўлов-контракт асосида дарсга қўйилган номзодлар шартномада белгиланган муддатда тўлов суммасини тўлиқ амалга оширишлари лозим.

Тўлов-контракт бўйича шартнома шартларини белгиланган муддатда бажармаган номзодлар ўқишдан четлаштирилади ва бу ҳақда Академия бошлигининг буйруғи чиқарилади.

Ўқишдан четлаштирилган номзоднинг ўрнига Академия қабул комиссиясининг қарорига асосан баллар кетма-кетлиги бўйича рўйхатдаги кейинги номзод тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилади.

74. Академия магистратурасининг кундузги ёки кечки шаклига ўқишга қабул қилинган тингловчилар аризаларига кўра ўқишни сиртқи ёки масофавий шаклига ўтказиши мумкин.

Сиртқи ёки масофавий шаклдаги магистратурага ўқишга қабул қилинган тингловчилар ўқиш даври давомида таълимни кундузги ёки кечки шаклига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

75. Магистратурага ўқишга кириш учун номзодлар томонидан топширилган ҳужжатларнинг электрон нусхалари номзодлар ўқишни яқунлағунга қадар дастурий таъминотда сақланади.

76. Магистратурада ўқитишни ташкил этиш жараёни Магистратура факультети томонидан Академиянинг кафедра, марказ ва бўлимлари билан биргаликда амалга оширилади.

77. Магистратурада ўқитиш тингловчиларни прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари, шунингдек ваколатли давлат органларининг тергов фаолиятига доир илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга тайёрлаш мақсадида, уларни зарур ўқув-методик ва моддий-техник база билан таъминлаган ҳолда ташкил этилади.

78. Магистратурада академик кредит тизимининг жорий этилиши, Академия ходимлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда тингловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўқув-методик, илмий-педагогик фаолияти, амалиёт ўташи, магистрлик диссертациясини тайёрлаши ва ўқитишни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар Академия томонидан белгиланади.

7-боб. Тингловчини ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш

79. Тингловчи Академия магистратураси тингловчилари сафидан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

ўз хохишига биноан;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

ўқув интизомини ва Академия магистратурасида ички тартиб қоидаларини бузганлиги учун Академия кенгаши қарори асосида;

академик қарздорлиги туфайли Академия кенгаши қарори асосида;

ўқув йили давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);

тингловчи суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (ушбу ҳолатда тингловчилар сафидан четлаштирилганлар қайта тикланмайди);

вафот этганлиги сабабли ёки суд қарорига асосан бедарак йўқолган ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда.

80. Интизомий жазога тортилган тингловчи ўзига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан Бош прокуратурага шикоят қилиши мумкин.

81. Тингловчига нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йиғмажилдида сақланади.

82. Магистратуранинг «тергов фаолияти» мутахассислиги бўйича кундузги шаклда ўқишга қабул қилинган ваколатли давлат органлари ходимлари, шунингдек, бошқа мутахассисликлар бўйича магистратуранинг кундузги шаклига ўқишга қабул қилинган прокуратура органлари ходимлари тингловчилар сафидан четлаштирилганда, унга ўқишдан четлаштирилгунига қадар тўланиб келинган ойлик иш ҳақини қайтариш масаласи иш берувчи томонидан кўриб чиқилади.

83. Магистратуранинг «тергов фаолияти» мутахассислиги бўйича кундузги шаклда ўқишга қабул қилинган ваколатли давлат органлари ходимлари, шунингдек, бошқа мутахассисликлар бўйича магистратуранинг кундузги шаклига ўқишга қабул қилинган прокуратура органлари ходимлари ўқиш даврида ўз хоҳишига кўра хизматдан бўшаган тақдирда, улар тўлиқ ўқув йили учун тўлов-контракт миқдорини тўлаши лозим бўлади.

84. Тингловчи Академиядан четлаштирилганда унга академик маълумотнома берилади.

85. Тингловчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари асосида ўқишини қайта тиклаш ва кўчириш ҳуқуқига эга.

86. Давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида магистратурада тахсил олаётган тингловчилар тингловчилар сафидан четлаштирилган тақдирда улар кейинги ўқув йилида тўлов-контракт асосида ўқишга тикланади.

Ўқишга тикланган тингловчилар модуллар бўйича олинмай қолган кредитларга мос равишда тўлов-контракт суммасини тўлайди.

87. Фанлар бўйича қайта таълим олиш учун тўлов қиймати Академия томонидан бутун ўқув йилининг контракт суммасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Қайта таълим олиш учун тўлов механизми Академия томонидан бир кредит қийматини ҳисоблаш асосида белгиланади. Бир кредит қиймати ўқув йили давомидаги таълим олиш учун тўланадиган умумий суммани режалаштирилган кредитлар миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

88. Тингловчи томонидан четлаштирилгунга қадар ўзлаштирган синов бирликлари миқдори Академия томонидан тўлиқ ҳажмда ҳисобга олинади. Академик қарздорлиги туфайли тингловчилар сафидан четлаштирилган тингловчилар кейинги ўқув йилида тегишли ўқув семестридан бошлаб фақат ўзлаштира олмаган модулларни такроран ўқиши мумкин.

89. Шартнома асосида бир тингловчи ўқишни қайта тиклаш сони чегараланмайди.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

90. Мазкур Низомда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Академия ҳамда ваколатли органларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан қопланади.

91. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 6 апрелдаги 143-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академиясида олий таълимдан кейинги таълимга қабул
қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (кейинги ўринларда — Академия) олий таълимдан кейинги таълим институтига қабул қилишни ташкил этиш ва ўқитиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

докторант — Академияга таянч докторантура ёки докторантурага белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

докторантура — фан доктори (Doctor of Science) (кейинги ўринларда — фан доктори (DSc)) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли;

изланувчи — фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) (кейинги ўринларда — фалсафа доктори (PhD)) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини тайёрлаётган шахс;

мустақил изланувчилик — фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражаларига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли;

мустақил изланувчи — Академияга мустақил изланувчиликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

олий таълимдан кейинги таълим — фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб боришни назарда тутадиган таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилик асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлайдиган таълим тури;

олий таълимдан кейинги таълим институти — Академияда таянч докторантура, докторантура ёки мустақил изланувчилик шаклларидаги олий таълимдан кейинги таълимни амалга ошириш тизими;

олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими (кейинги ўринларда — Ягона электрон тизим) — олий таълимдан кейинги таълим институтларига қабул қилиш ва изланувчиларнинг яқка тартибдаги режалари бажарилиши юзасидан ҳисоботларни шакл-

лантириш бўйича ҳужжатларнинг электрон алмашинувини ташкил этишга мўлжалланган ахборот тизими;

таянч докторантура — фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли.

3. Академияда олий таълимдан кейинги таълим институти қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

таянч докторантура;
докторантура;
мустақил изланувчилик.

4. Олий таълимдан кейинги таълим институти фан ва техниканинг муҳим тармоқларида олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, шунингдек фан ва технологияларнинг устувор йўналишларида фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш, давлат илмий дастурларини амалга ошириш мақсадида очилади.

5. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини олий таълимдан кейинги таълим институтига қабул қилиш қуйидагича амалга оширилади:

бепул таянч докторантура ва докторантура шаклида ўқитиш;

бепул ва тўлов-контракт асосида мустақил тадқиқотчилик шаклида ўқитиш.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар бундан мустасно) олий таълимдан кейинги таълим институтларига ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ёки халқаро шартномаларга мувофиқ тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар олий таълимдан кейинги таълим институтларига ўқишга фуқаролар билан тенг ҳуқуқларда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция визасига эга бўлган хорижий инвесторлар ҳамда уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган шартларда олий таълимдан кейинги таълим институтларига ўқишга киришга ва таълим олишга ҳақли.

6. Олий таълимдан кейинги таълим институтига қабул қилинаётган магистр ёки мутахассислик дастурлари бўйича олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиши, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда илмий даражага эга бўлганлар мутахассислиги олий таълимдан кейинги таълим ихтисослиги тегишли бўлган фан соҳасига мувофиқ бўлиши шарт. Фан соҳалари мос келмаганда ёки олий таълимдан кейинги таълимда фаннинг турдош соҳалари бўйича олиш режалаштирилганда талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринларда — ОАК) белгилаган фанлар бўйича қўшимча имтиҳонлар топшириши лозим.

Бакалаврият таълими йўналиши ва магистратура мутахассислиги таъ-

лимнинг турли соҳаларига тегишли бўлганда, ОАК томонидан белгиланган фанлар бўйича қўшимча имтиҳонлар топшириш шарти билан, бакалаврият таълимининг йўналишига тегишли бўлган таълим соҳасига мувофиқ мутахассислик бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясининг белгиланган тартибда тайёрланишига ва ҳимоя қилинишига йўл қўйилади.

7. Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, шунингдек диссертация тадқиқотларини ўтказишда уларга илмий ва ўқув-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш истагидаги талабгорлар Академия кенгаши қарори билан илмий раҳбарларга, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш истагидаги талабгорлар эса — илмий консультантларга бириктирилади.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланадиган диссертация тадқиқотлари илмий консультантни тайинланмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Танланган тадқиқот мавзуси асосида барча тадқиқотчилар Академия кенгаши қарорлари билан Академиянинг таркибий бўлинмасига бириктирилади.

8. Академиянинг фан доктори бир вақтнинг ўзида олтитадан кўп бўлмаган докторантлар учун раҳбар ва маслаҳатчи бўлиши мумкин.

Илмий унвони бўлган фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) бир вақтнинг ўзида учтадан кўп бўлмаган изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиши мумкин. Сўнги уч йилда изланувчилари ўз вақтида ҳимоя қилган илмий раҳбарларга Академия кенгаши ҳулосаси асосида тўрттадан кўп бўлмаган изланувчилар бириктирилиши мумкин.

Илмий унвони бўлмаган фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий раҳбар бир вақтнинг ўзида иккитадан кўп бўлмаган докторант ва мустақил изланувчиларнинг илмий раҳбари бўлиши мумкин. Сўнги уч йилда изланувчилари ўз вақтида ҳимоя қилган илмий раҳбарларга Академия кенгаши ҳулосаси асосида учтадан кўп бўлмаган изланувчилар бириктирилиши мумкин.

Хорижий фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган изланувчиларга ўрнатилган меъёрдан ортиқ илмий раҳбар ёки консультантлар тайинланиши мумкин.

9. Олий таълимдан кейинги таълим институтини аккредитация қилиш ваколатли давлат органи томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (кейинги ўринларда — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги) олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш масалаларида Академиянинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

2-боб. Олий таълимдан кейинги таълимни таянч докторантура ва докторантура шаклида ташкил этиш

11. Таянч докторантура ва докторантурага Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ва тўлов-контракт асосида ўқитиш учун қабул квотаси (кейинги ўринларда — қабул квотаси), қоида тариқасида,

тегишли ўқув йили учун тасдиқланган олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида магистратура мутахассисликларига ўқишга қабул қилиш умумий параметрларининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Илмий марказ бошлигининг тақдимномасига асосан Академия бошлиғи рухсат берган тақдирда, Академия докторантлари ҳафтасига 10 соатдан ошмаган ҳажмда соатбай тартибидаги педагогик фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Бошқа ҳар қандай меҳнат фаолияти тақиқланади.

Академия докторантларига стипендияси сақлаб қолинган ҳолда 21 календарь кунидан иборат ҳар йилги меҳнат таътиллари берилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси таянч докторантура ҳамда докторантура босқичига ўқишга қабул қилиш мазкур Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ ташкил этилади.

Академия ҳар йили 1 июнга қадар Ягона электрон тизим орқали электрон шаклда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига илмий даражали кадрларга бўлган эҳтиёжлар, амалдаги олий таълимдан кейинги таълим институтларининг самарадорлиги, таълим олаётган докторантлар ва мустақил изланувчилар контингенти, илмий раҳбарлар ва илмий консультантларнинг самарали ишлари, шунингдек, мазкур Низомда белгиланган битта илмий раҳбар ва битта илмий консультантга бириктириладиган изланувчилар сонидан келиб чиқиб, кейинги йилдан бошлаб аттестациядан ўтган йўналишлар бўйича таянч докторантурага ва докторантурага қабул квотаси бўйича асосланган таклифлар билан муурожаат қилади.

12. Академия томонидан қабул квотаси бўйича асосланган таклифларни ҳар йили 10 июнга қадар Ягона электрон тизим орқали Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишиш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига юборилишини таъминлайди.

13. Академия ҳар йили 1 сентябрдан кечикмасдан оммавий ахборот воситаларида қабул квоталарига мувофиқ ҳужжатларни қабул қилиш муддатларини, талаб қилинадиган ҳужжатлар, топшириладиган имтиҳонлар рўйхатини ва қабул квотаси миқдорини кўрсатган ҳолда таянч докторантура ва докторантурада ўқиш учун талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш тўғрисида эълон беради.

Ҳужжатлар Академия томонидан 15 сентябрдан 15 октябргача бўлган даврда Ягона электрон тизим орқали қабул қилинади.

14. Таянч докторантурага қуйидагилар қабул қилинади:

юридик соҳа бўйича бакалавр ва магистр дипломи ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга эга бўлганлар;

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар;

илмий тадқиқотлар учун танланган мавзу билан боғлиқ камида уч йиллик иш тажрибаси;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чет тилини билиш даражасининг миллий ёки тегишли халқаро сертификати.

15. Академияда бошлиқ раислигида қабул комиссияси тузилади. Қабул комиссияси аъзолари бошлиқ томонидан тегишли ихтисослик бўйича етакчи мутахассислар орасидан тайинланади.

Ихтисослик бўйича имтиҳонларни топширишда қабул комиссияси таркибида камида битта фан доктори ёки профессор бўлиши зарур, комиссиянинг қолган аъзолари фан номзодлари ёки фалсафа докторлари (PhD) бўлиши мумкин.

16. Таянч докторантурада ўқишга талабгорлар Академияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ариза;

қисқача биографик маълумотнома;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID-карта) нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

олий таълим муассасаси бакалавр ва магистратураси дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

миллий ёки тегишли халқаро сертификатнинг нусхаси;

нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари.

17. Докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:

юридик фанлар номзоди ёки юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;

юридик фанлар номзоди ёки юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш.

18. Докторантурада ўқишга талабгорлар Академияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ариза;

қисқача биографик маълумотнома;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID-карта) нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

олий маълумот, юридик фанлар номзоди ёхуд юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;

тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;

нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари.

19. Чет тилини билиш тўғрисидаги миллий ёки тегишли халқаро сертификат қўйидаги тоифаларда қабул қилинади:

IELTS — ўртача бали камида 5,5;

TOEFL (PBT) — 567 баллдан кам бўлмаган;

TOEFL (iBT) — 87 баллдан кам бўлмаган;

CEFR — B2 даражадан паст бўлмаган;

чет тилида малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома — камида 60 балл, берилган кунидан бошлаб беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатда амал қилади.

Кириш имтиҳонлари саволлари Академиянинг таркибий тармоқлари томонидан тузилади ва Академия бошлиғининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Докторантурага даъвогарлар қабул комиссияси томонидан ўтказиладиган мутахассислик бўйича имтиҳон ва суҳбатдан ўтадилар.

20. Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантурага кириш учун суҳбат ҳар йили 1 — 25 ноябрь кунлари оралиғида ўтказилади.

21. Таянч докторантурага ва докторантурага кирувчи талабгорларнинг кириш имтиҳонлари, суҳбат натижаларидан ва ажратилган қабул квотасидан келиб чиқиб, қабул комиссияси томонидан 30 ноябргача бўлган муддатда қабул қилинганлардан танланади.

Бир неча талабгорларнинг таянч докторантурага ва докторантурага кириш имтиҳонлари ёки суҳбат натижалари бўйича улар томонидан тўпланган якуний баллари тенг бўлган тақдирда қўйидаги талабгорларга устунлик берилади:

а) таянч докторантурага:

магистратурани аъло баҳолар билан тамомлаганлар;

муаллифлик гувоҳномалари ва патентга эга бўлганлар;

кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлганлар;

б) докторантурага:

5 йилдан ортиқ илмий-педагогик стажга эга бўлганлар;

муаллифлик гувоҳномалари ва патентга эга бўлганлар;

монография, талабгорнинг диссертация мавзуси бўйича тегишли илмий журналларда, шу жумладан хорижий журналларда чоп этилган сони бўйича (бошқа талабгорларга нисбатан) кўп миқдорда илмий мақолага эга бўлганлар;

диссертация тадқиқоти ҳажмининг 50 фоиздан кўп қисмини бажарганлар.

22. Қабул комиссияси таянч докторантура ва докторантурада таълим олувчиларнинг кириш имтиҳонлари ва ўтказилган суҳбат натижаларини мажлис баённомаси билан расмийлаштиради ва беш кун муддатда Академия кенгашига тасдиқлаш учун киритади.

Академия бошлиғининг буйруғи билан бир вақтнинг ўзида таянч докторантура ва докторантурага қабул қилинган шахсларнинг диссертациялари мавзулари, шунингдек улар бириктирилган таркибий тармоқлар тасдиқланади.

Қабул комиссияси кириш имтиҳонлари ва суҳбат жараёнларини видео кузатув остида (онлайн трансляция) ўтказиш чораларини кўради.

23. Таянч докторантура ва докторантурага ўқишга қабул қилиш Академия бошлиғи буйруғи билан ҳар йили 5 декабргача амалга оширилади. Бунда таянч докторантура ва докторантурада таълим олиш кейинги йилнинг 1 январидан бошланади.

Ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда илмий раҳбарлар ва илмий консультантлар (консультант бўлган тақдирда) ҳам белгиланади.

24. Таянч докторантура ва (ёки) докторантурада ўқишга қабул қилинганлар, уларнинг тасдиқланган мавзулари, илмий раҳбарлари ва илмий консультантлари (консультантлар тайинланган ҳолатларда) тўғрисидаги маълумот Академия томонидан ҳар йили 15 декабргача Ягона электрон тизимга киритилади.

25. Докторантлар диссертацияларининг тасдиқланган мавзулари, илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчи тўғрисидаги маълумотлар (маслаҳатчи тайинланганда) Ягона электрон тизимга киритилиши, шунингдек ОАКнинг Бюлетенида эълон қилиниши лозим.

26. Докторант илмий раҳбар ва консультант (консультант тайинланган ҳолатларда) билан биргаликда яқка тартибдаги режасини ишлаб чиқади. Яқка тартибдаги режа таянч докторантурага ёки докторантурага ўқишга қабул қилингандан кейин бир ойда Академия бошлиғининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

27. Илмий раҳбар докторант учун ихтисослик бўйича назарий-методологик дастур ишлаб чиқади. Назарий-методологик дастур таянч докторантурага ўқишга қабул қилингандан бошлаб бир ой муддат ичида Академия кенгаши томонидан тасдиқланади.

Назарий-методологик дастур методологиянинг умумий концепцияси ва масалаларини, мазкур ихтисослик бўйича назарий асосларни ва илмий тадқиқот усулларини ўз ичига олади. Назарий-методологик дастур таянч докторант томонидан ўқишнинг биринчи йили мобайнида илмий раҳбарнинг ёрдамида ўзлаштирилади.

28. Ўқишга қабул қилинган шахсларга, шу кундан бошлаб стипендия умумий белгиланган миқдор ва тартибда тўланади.

29. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан таянч докторантура ва докторантурага ўқишга қабул қилиш бўйича тасдиқланган квоталарини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлар параметрларида белгиланган тартибда Академиянинг тегишли соҳаларига зарур маблағлар ажратишни назарда тутди.

30. Тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, таянч докторантура ва докторантурада ўқиш муддати узоқ вақт касал бўлиш, ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлиш даврига, шунингдек ҳарбий йиғинларга чақирилиш муносабати билан икки йил муддатгача узайтирилиши мумкин.

31. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига изланувчилар докторлик

диссертацияларини Олий таълимдан кейинги таълимга қўйиладиган давлат таълим талабларига мувофиқ малакавий имтиҳонларни топширганларидан кейин химоя қилишга қўйиладилар.

32. Академияда илмий раҳбарлар ва консультантларнинг докторантлар билан меҳнатига ҳақ тўлаш ҳар ойда ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлашнинг қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар бир докторант учун бир йилда 100 соат ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган, шунингдек, тўлов-контракт асосида қабул қилинган докторантларнинг илмий раҳбарлари ва консультантларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ўқитиш учун келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

33. Таянч докторантура ва докторантурада ўқиш муддати уч йилни ташкил этади, бу вақт докторантларнинг умумий иш стажига қўшилади.

34. Олий таълимдан кейинги таълимни тугатганлар таянч докторантура ёки докторантурага қайта қабул қилинмайди.

3-боб. Олий таълимдан кейинги таълимни мустақил изланувчилик шаклида ташкил этиш

35. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка қўйидагиларга эга шахслар расмийлаштирилади:

юридик соҳа бўйича бакалавр, магистр дипломи ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга эга бўлганлар;

белгиланган илмий мақолаларига эга бўлганлар, шу жумладан, илмий журналда чоп этилган камида битта илмий мақола ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий соҳалардаги илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезис.

Хукукни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиликка ўқишга қабул қилиш мазкур Низомга 2-иловада* келтирилган схемага мувофиқ ташкил этилади.

36. Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка юридик фанлари номзоди ёки юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган дипломга эга бўлган, белгиланган тартибда талабларга мувофиқ илмий даража олганидан сўнг салмоқли илмий ютуқларга эришган шахслар расмийлаштирилади.

Фанлари номзоди ёки фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) юридик фан соҳасига мос келмаганда ёки олий таълимдан кейинги таълимда фаннинг турдош соҳалари бўйича олиш режалаштирилганда талабгорлар юридик соҳа бўйича бакалавр дипломига эга бўлиши лозим ва ушбу низомнинг 6-бандига мувофиқ расмийлаштирилади.

37. Академия талабгорларнинг мустақил изланувчиликка ҳужжатларини қабул қилиш йил давомида амалга оширилади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

38. Мустақил изланувчиликка талабгор қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан Академияга Ягона электрон тизим орқали мурожаат қилади:

ариза;

қисқача биографик маълумотнома;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID-карта) нусхаси;

фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун бакалавр ва магистрлик ёхуд олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;

фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун юридик фанлар номзоди ёки юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;

иш жойидан тавсифнома.

39. Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш ҳар чоракнинг учинчи ойигача бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва Академиядаги қабул комиссиясининг тегишли хулосаси бўйича амалга оширилади.

40. Талабгорлар Академия бошлиғининг ҳар чоракда 5 март, 5 июнь, 5 сентябрь ва 5 декабрга қадар эълон қилинадиган буйруғи билан мустақил изланувчиликка расмийлаштириладилар. Буйруқда, шунингдек, мустақил изланувчиларнинг илмий раҳбарлари ва илмий консультантлари (консультант бўлган тақдирда) белгиланади.

41. Мустақил изланувчиликка қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ Академия бошлиғи томонидан қабул қилинганидан сўнг 5 кун давомида Ягона электрон тизимга киритилади.

42. Мустақил изланувчилар диссертацияларининг тасдиқланган мавзулари ҳамда илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчи тўғрисидаги маълумотлар (маслаҳатчи тайинланганда) Ягона электрон тизимга киритилиши, шунингдек ОАКнинг Бюллетенида эълон қилиниши лозим.

43. Мустақил изланувчилар расмийлаштирилганларидан сўнг бир ой муддатда илмий раҳбар ёки консультант (консультант бўлган тақдирда) билан келишган ҳолда яқка тартибдаги режаларини Академияда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этадилар.

Мустақил изланувчи яқка тартибдаги режасини қабул қилинганидан сўнг 5 кун давомида Ягона электрон тизимга киритади.

44. Амалдаги барча талабларни бажарган ва диссертациясини ОАК талабларига мувофиқ равишда расмийлаштирган мустақил изланувчилар диссертация ҳимоясига қўйилади.

45. Академияда илмий раҳбарлар ва консультантларнинг мустақил изланувчилар билан олиб борадиган иши учун ҳақ меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ўқув машғулотлари олиб борилгани учун ҳар бир изланувчи ҳисобига бир йилда 50 соат ҳисобидан ҳар ойда тўланади.

Академияда илмий раҳбар ёки консультант муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маош олаётган бўлса, мустақил изланувчилар билан ишлаш унинг умумий ўқув юкларига ҳажмига киритилиши мумкин.

Илмий раҳбарлар ва консультантларнинг хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган мустақил изланувчилар билан меҳнатига ҳақ тўлаш ўқиш бўйича тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

46. Бир неча илмий ташкилот ёки таълим муассасасида бир вақтнинг ўзида мустақил изланувчиликка йўл қўйилмайди.

4-боб. Олий таълимдан кейинги таълимни тўлов-контракт асосида ташкил этиш

47. Олий таълимдан кейинги таълимнинг ортиқча квотасига мустақил изланувчиларни қабул қилиш тўлов-контракт асосида ташкил этилади.

Бепул асосда қабул қилинган изланувчиларнинг қабул квотаси, ҳар чоракда Академиянинг кенгаши қарори билан юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжни, Академия талабалар контингентининг мавжудлигини таҳлил қилиш асосида тасдиқланади, белгиланган тартибда докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг илмий раҳбарлари ва илмий маслаҳатчиларининг самарадорлиги белгиланади.

Квота бўйича қабул қилинган изланувчилар ўқишга қабул қилингандан сўнг уч йил мобайнида докторлик диссертациясини ҳимоя қилишлари шарт. Уч йилдан сўнг, ушбу изланувчилар автоматик равишда тўлов-контракт асосидаги таълимга ўтадилар.

48. Хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни олий таълимдан кейинги таълим институтларига қабул қилиш ва ўқитиш қонунчилиги ва (ёки) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ олий таълимдан кейинги таълимга қабул квоталаридан ташқари тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция визасига эга бўлган хорижий инвесторлар ҳамда уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган шартларда олий таълимдан кейинги таълим институтларига ўқишга киришга ва таълим олишга ҳақлидир.

49. Академияда тўлов-контракт асосида ўқиш ставкалари ҳар йили Академиянинг Мувофиқлаштирувчи васийлик кенгаши томонидан белгиланади.

50. Олий таълимдан кейинги таълимни тўлов-контракт асосида тақдим этишда тўлов миқдори, бошқа нарсалар қатори, илмий раҳбарлар ва маслаҳатчилар, оппонентлар, шунингдек илмий семинар ва илмий кенгаш аъзоларининг тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказиш билан боғлиқ харажатларни инобатга оладиган ҳақ миқдори билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олади.

Академиянинг бюджетдан ташқари жамғармасидан қўшимча тўловлар миқдори илмий раҳбар ва маслаҳатчилар, оппонентлар, тақризчилар, шунингдек илмий семинар ва илмий кенгаш аъзоларининг иш ҳақига ҳар йили Академиянинг кенгаши томонидан тасдиқланади.

5-боб. Изланувчилар фаолияти самарадорлигининг мониторинги

51. Академия Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда тадқиқотчиларнинг фаолияти самарадорлигини назорат қилади.

52. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун изланувчилар фаолияти самарадорлигининг мониторинги қўйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

а) ўқишнинг биринчи йилида:

диссертация мавзуси бўйича тасдиқланган яқка тартибдаги режанинг мавжудлиги ва унинг бажарилиши;

ихтисослик бўйича тасдиқланган назарий-методологик дастурнинг мавжудлиги ва унинг бажарилиши;

тегишли журналларда диссертация мавзуси бўйича камида битта илмий мақоланинг чоп этилганлиги;

илмий конференцияда диссертация мавзуси бўйича маъруза билан иштирок этганлиги;

диссертация мавзуси бўйича таҳлилий умумлаштирувчи қисқача маълумотнинг мавжудлиги;

Академия семинарида диссертация мавзусига доир таҳлилий умумлаштирувчи қисқача маълумот натижалари бўйича (илмий раҳбар билан биргаликда) маъруза қилганлиги;

Академиянинг ички тартиб қоидаларига риоя қилиш;

б) ўқишнинг иккинчи йилида:

тегишли журналларда диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида чоп этилган камида битта илмий мақоланинг мавжудлиги;

диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида илмий конференция материалларида камида битта чоп этилган маъруза тезисининг мавжудлиги;

тегишли хорижий журналда диссертация мавзуси бўйича камида битта чоп этилган илмий мақола мавжудлиги;

Академия таркибий тармоқлари илмий семинарида диссертация ишининг дастлабки натижалари бўйича (мустақил) маъруза билан иштирок этиш;

диссертация мавзуси бўйича яқка тартибдаги режасининг бажарилиши бўйича ҳисобот бериш;

Академиянинг ички тартиб қоидаларига риоя қилиш;

в) ўқишнинг учинчи йилида:

журналларда, шу жумладан хорижий журналларда сони белгиланган талабларга мувофиқ чоп этилган илмий мақолалари мавжудлиги;

ОАК талабларига мувофиқ тайёрланган тугалланган диссертация иши, авторефератининг мавжудлиги;

Академия таркибий тармоқлари мажлисларида диссертация ва авторефератининг кўриб чиқилганлиги ва муҳокама қилинганлиги.

Академиянинг ички тартиб қоидаларига риоя қилиш.

53. Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун изланувчилар фаолияти самарадорлигининг мониторинги қўйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

а) ўқишнинг биринчи йилида:

диссертация мавзуси бўйича якка тартибдаги режанинг мавжудлиги ва унинг бажарилиши;

диссертациянинг биринчи ва иккинчи боблари тайёрлиги;

диссертация мавзуси бўйича тегишли журналларда камида учта илмий мақола чоп этилганлиги;

диссертация мавзуси бўйича республика ва халқаро илмий конференциялар материалларида камида битта маъруза тезиси чоп этилганлиги;

диссертация мавзуси бўйича илмий конференция ёки семинарда маъруза қилиш;

диссертация мавзуси бўйича таҳлилий шарҳ;

диссертация мавзуси бўйича таҳлилий шарҳ натижалари бўйича семинарда сўзга чиқиш;

Академиянинг ички тартиб қоидаларига риоя қилиш;

б) ўқишнинг иккинчи йилида:

диссертациянинг учинчи ва тўртинчи боблари тайёрлиги;

тегишли журналларда диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида чоп этилган камида тўртта илмий мақола эълон қилинганлиги (шу жумладан, биттаси хорижда);

диссертация мавзуси бўйича халқаро ва республика илмий конференциялар материалларида чоп этилган камида битта маъруза тезисининг мавжудлиги;

диссертация ишининг дастлабки натижалари бўйича семинар ўтказиш; конференция ёки семинарда маъруза билан қатнашиш (камида бир марта);

диссертация мавзуси бўйича якка тартибдаги режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот;

Академиянинг ички тартиб қоидаларига риоя қилиш;

в) ўқишнинг учинчи йилида:

тегишли журналларда диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида чоп этилган камида учта илмий мақола эълон қилинганлиги;

диссертация натижалари бўйича чоп этилган монографиянинг мавжудлиги;

Академиянинг ички тартиб қоидаларига риоя қилиш;

ОАК талабларига мувофиқ тайёрланган тугалланган диссертация иши ва авторефератнинг мавжудлиги;

диссертация ёки авторефератни Академия таркибий тармоқларида кўриб чиқилганлиги ва муҳокама этилганлиги.

54. Мониторинг натижалари Академия кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Якка тартибдаги режаларини бажармаган изланувчиларга нисбатан тегишли қарорлар қабул қилинади.

Якка тартибдаги режаларини бажармаган докторантлар Академия бошлиғи буйруғи билан таянч докторантура ёки докторантурадан четлатилади ва ўқишга қайта тикланмайди.

Докторантурадан мониторинг натижалари бўйича четлатилган ёки диссертациясини муддатида ҳимоя қилмаган шахслар диссертациясини тугатиш

ва ҳимоя қилиш даврида мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилиши мумкин. Академиянинг ички тартиб қоидаларини бузганлиги учун ўқишдан четлатилган шахслар ўқишга тикланмайди.

Шахсий режаларни бажармаган мустақил изланувчилар Академия бошлиғининг буйруғи билан мустақил изланувчилар сафидан четлаштирилади.

Шахсий режаларни бажармаганлиги сабабли четлаштирилган мустақил изланувчилар фақат тўлов-контракт асосида тикланиши мумкин.

Якка тартибдаги режаларини бажармаган мустақил изланувчиларнинг илмий раҳбарлари ва консультантларига нисбатан Академия кенгаши қарори билан раҳбарлик ва маслаҳат учун тўланадиган ҳақ тўхтатилади.

55. Мунтазам равишда (қаторасига икки марта ва ундан кўп) изланувчиларнинг диссертацияларини ўз вақтида ҳимоя қилишни таъминламаган илмий раҳбарлар ва консультантлар Академия кенгаши қарори билан уч йилгача бўлган даврга илмий раҳбарлик ёки консультантликдан четлатилиши мумкин.

56. Академия кенгаши тавсияси бўйича изланувчиларнинг якка тартибдаги режаларига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Илмий раҳбарлар ва илмий консультантлар фаолиятининг самарадорлигини назорат қилиш Академия кенгаши томонидан амалга оширилади.

57. Таянч докторантура ёки докторантурадан четлатиш учун қуйидаги асослар ҳисобланади:

ўз аризасига мувофиқ;

саломатлик туфайли;

шахсий режаларни бажармаслик;

Академия ички тартиб-қоидаларини тизимли (уч ёки ундан ортиқ) бузиш;

суд қарори билан озодликдан маҳрум қилиш;

ҳисоботни кечиктириш ва шахсий режани амалга ошириш бўйича бажарилган ишлар;

иш бўйича докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш талабини бузиш.

58. Мустақил изланувчини четлаштириш учун қуйидаги асослар ҳисобланади:

ўз аризасига мувофиқ;

шахсий режаларни бажармаслик;

ҳисоботни кеч топшириш ва шахсий режани амалга ошириш учун қилинган ишлар;

тўлов-контракт тўламаслиги.

59. Таянч докторантура ёки докторантурадан четлатилган шахслар бир ой ичида уларга тўланган стипендиянинг тўлиқ миқдорини қоплашлари шарт. Соғлиғи ёки бошқа узрли сабабларга кўра ўқишни тўхтатишга мажбур бўлган шахслар Академия кенгаши қарори билан уларга тўланган стипендия миқдорини қопламайди.

Академия кенгаши қарори билан пулни қайтариш муддати уч ойгача узайтирилиши мумкин.

Белгиланган муддат тугагандан сўнг, қарз суммаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан суд тартибида ундирилади.

6-боб. Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги ҳужжатлар

60. Қонунчиликда назарда тутилган олий таълимдан кейинги таълим талабларини бажарган ва белгиланган тартибда диссертация ҳимоя қилган шахсларга ўрнатилган тартибда давлат намунасидаги тегишли фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) дипломи берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 6 апрелдаги 143-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарори билан тасдиқланган Давлат хизматчиларининг лавозимлари рўйхатининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Академияси» бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Бошлиқ
Бошлиқнинг биринчи ўринбосари
Бошлиқ ўринбосари
Бошлиқ ёрдамчиси
Кафедра (бошқарма, факультет, бўлим, марказ) бошлиғи
Профессор
Доцент
Катта ўқитувчи
Ўқитувчи
Бўлим (бошқарма, факультет, марказ) катта прокурори
Бўлим (бошқарма, факультет, марказ) прокурори
Бош мутахассиси
Етакчи мутахассис
1-тоифали мутахассис
2-тоифали мутахассис».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сон қарори билан тасдиқланган Магистратура тўғрисидаги низомнинг 1-банди учинчи хатбосидаги «Бош прокуратураси» сўзлари «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 764-сон қарори би-

лан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида тиббий текширувни ташкил этиш ва ҳарбий-тиббий экспертизани ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди қуйидаги мазмундаги «ж» кичик банд билан тўлдирилсин:

«ж) Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бакалавриатига кириш учун номзодлар».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорида:

а) 2-илова (Олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида низом)нинг 1-банди иккинчи хатбошисидаги «Бош прокуратураси» сўзлари «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-илова (Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида низом)нинг 2-бандидаги «Бош прокуратураси» сўзлари «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 октябрдаги 873-сон қарори билан тасдиқланган Прокуратура органлари ходимларига имтиёзли шартларда кредитга уй-жой ва автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун дастлабки бадални киритиш мақсадида Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан фоизсиз қарз бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандидаги «Бош прокуратураси Академияси» сўзлари «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 мартдаги 122-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларини спорт турларига ихтисослаштириш жадвалидан 107-позиция чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарорига 4-илованинг 84-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқув жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 28 июлдаги 466-сон қарорига 2-илованинг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 22 ноябрдаги 705-сон қарорига 3-илованинг 13-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат олий таълим муассасалари магистратура босқичида таълим олаётган хотин-қизларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаб бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 15 августдаги 447-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошисидаги «Бош прокуратура» сўзлари «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар тармоғининг кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2022 йил 19 августдаги 463-сон қарорига илованинг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 апрелдаги 180-ф-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг аэропортларида расмий делегацияларга хизмат кўрсатиш зали тўғрисидаги низом иловасининг рус тилидаги матнининг 5-банди 5.5.-кичик банди «, начальник Правоохранительной академии» сўзлари билан тўлдирилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****112 Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва
экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация
қоидаларига (ЎзР АҚ-91) қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш
ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-11*

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–688-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 12 сентябрдаги 141-сон буйруғи (рўйхат рақами 1723, 2007 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 41-42-сон, 420-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-91) иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги ва «Uzbekistan Airways» АЖ билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**И. МАХКАМОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 27 февраль,
02-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 апрелда эълон қилинган.

Келишилди:

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

2023 йил 16 февраль

*Табиат ресурслари вазирлиги
ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати
агентлиги бош директори*

Ш. ХАБИБУЛЛАЕВ

2023 йил 13 февраль

*«Uzbekistan Airways»
АЖ бошқарув раиси*

И. МАХКАМОВ

2023 йил 17 февраль

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2023 йил 27 февралдаги
02-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва
экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация
қоидаларига (ЎзР АҚ-91) киритилаётган қўшимча ва
ўзгартиришлар**

1. I бобнинг 1-параграфиди:

а) қўйидаги мазмундаги қирқ бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«**Самолёт** — ҳаводан оғир ҳаво кемаси бўлиб, куч қурилмаси орқали ҳаракатга келтирилади ва унинг парвоздаги кўтариш кучи парвознинг ушбу шароитларида ҳаракатсиз қоладиган юзаларда асосан аэродинамик реакциялар ҳисобига пайдо бўлади.»;

қирқ бешинчи — икки юз саксон тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда қирқ олтинчи — икки юз тўқсонинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) қирқ олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Вертолёт** — ҳаводан оғир ҳаво кемаси бўлиб, вертикал ҳолатда жойлашган ўқлар атрофида двигателъ ёрдамида айланадиган битта ёки бир нечта асосий винтнинг ҳаво билан реакциялари ҳисобига парвоз таъминланади.»;

в) олтинчи хатбоши қўйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Ушбу қоидаларда, агар маълум бир ҳаво кемаси тури кўрсатилмаган бўлса, «Ҳаво кемаси» тушунчаси ҳам «самолёт», ҳам «вертолёт»ни англатади.»;

г) икки юз ўнинчи хатбошидаги «Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси (бундан буён матнда Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Транспорт

вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (бундан буён матнда «Ўз-авиация» агентлиги деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 8-банднинг иккинчи хатбошиси ва 658-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Дававианазоратга» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 9, 10, 89, 90, 91, 94, 232, 747, 750, 751, 761, 802, 809-бандлардаги, 850-банднинг «с» кичик бандидаги, 855 ва 1051-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 22-банд қуйидаги мазмундаги «ж» кичик банд билан тўлдирилсин:

«ж) Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенциянинг 83bis-моддасига мувофиқ битимнинг қисқача тавсифининг расмий тасдиқланган инглиз тилидаги нусхаси (электрон ёки чоп этилган шаклда).».

5. 147 ва 755-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Дававианазоратнинг» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 160-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«160. Ўзбекистон Республикасида фуқаро ва экспериментал авиация парвозларининг гидрометеорологик таъминотини Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги Халқаро ФА тўғрисидаги Конвенциянинг 3-илоvasи (1944 й.), ЖМТнинг (Жаҳон метеорологик ташкилоти) техник регламенти, Ўзбекистон Республикаси «Фуқаро ва экспериментал авиацияси парвозларининг метеорологик таъминоти (ЎзР АҚ-180)» авиация қоидалари, «Фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларини эксплуатацияга яроқлилиқ меъёрлари (ЎзР АҚ-153)» Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидалари ҳамда ҳар бир муайян аэропорт учун ишлаб чиқилган парвозларнинг метеорологик таъминоти бўйича йўриқномага мувофиқ ташкил қилади.».

7. 187 ва 1000-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат бошлиғи» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 261-банднинг «а» кичик бандидаги, 736, 741 ва 745-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Дававианазорати» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 598 ва 843-бандлардаги «Дававианазорат» деган сўз «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 809-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат бошлиғининг» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги директорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 881-банддаги «Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш Давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 912-банд қуйидаги мазмундаги «д» кичик банд билан тўлдирилсин:

«д) аҳоли манзилгоҳлари устидаги парвозлар.».

13. XXII боб қуйидаги мазмундаги 13-параграф билан тўлдирилсин:

«13-§. Аҳоли манзилгоҳлари устида парвоз қилиш

957⁴. ҲҚларнинг аҳоли манзилгоҳлари устидаги парвози, ҳаво ҳудудидан фойдаланувчиларда ҲҲФБ органларининг рухсати билан амалга оширилади.

957⁵. ҲҚларнинг аҳоли манзилгоҳлари устидаги парвози кундузи ВПҚ бўйича белгиланган йўналишлар ва ҳақиқий учиш баландликларида амалга оширилади.

Белгиланган йўналишлар бўйича аҳоли манзилгоҳлари устидаги парвознинг ҳақиқий учиш баландлиги 100 метрдан (330 фут) кам бўлмаслиги керак.

957⁶. ҲҚда носозлик рўй берган тақдирда ёки одамлар ҳаётини қутқариш учун парвозлар қилиш зарур бўлганда, шунингдек парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида белгиланган йўналиш ва учиш баландлигидан четга чиқишга йўл қўйилади.

957⁷. Аҳоли манзилгоҳлари устида парвоз баландлигига пасайиш, аҳоли манзилгоҳлари устида парвозни амалга ошириш йўналишига кириш учун белгиланган нуқтада радиобаландлик ўлчагич назорати остида барометрик баландлик ўлчагич орқали амалга оширилади.

957⁸. Аҳоли манзилгоҳлари устида парвоз баландлигига кўтарилиш, аҳоли манзилгоҳлари устида парвозни амалга ошириш йўналишидан чиқиш учун белгиланган нуқтада барометрик баландлик ўлчагич орқали амалга оширилади.

957⁹. Экипаж томонидан аҳоли манзилгоҳлари устида парвоз баландлигини сақлаб қолиш радиобаландлик ўлчагич орқали амалга оширилади.

957¹⁰. ҲҲБ органлари ҲҚнинг (вертолётларнинг) экипажларини парвоз-ахборот маълумотлари ва авария хабарлари билан таъминлайди.

957¹¹. Вертолётларнинг аҳоли манзилгоҳлари ҳудудида жойлашган қўниш майдончасига (вертодромга) парвози, парвоз баландлигига кўтарилиши, қўнишга кириш учун пасайиши, қўнишни амалга ошириши ушбу майдончанинг (вертодромнинг) парвозларни амалга ошириш бўйича йўриқномасига асосан амалга оширилади.

957¹². Аҳоли манзилгоҳлари устида парвозлар ускуналар бўйича 185 км/соатдан (100 уз) ортиқ бўлмаган тезликда ёки ҲҚни горизонтал ҳолатда сақлаб туриш учун ҲҚнинг учиш қўлланмасида белгиланган минимал тезликда амалга оширилади.

957¹³. Аҳоли манзилгоҳлари устидаги йўналишларда ҲҚни қувиб ўтиш тақиқланади.

957¹⁴. Аҳоли манзилгоҳлари устидаги об-ҳаво шароити белгиланган йўналишларни ва/ёки учиш баландликларини сақлаб қолиш имконини бермаса, ҲҚ экипажи парвоз топширигини тўхтатиши ва учиш пунктига қайтиши ёки об-ҳаво шароити қониқарли бўлган энг яқин аэродромга (вертодром, қўниш майдончасига) қайтиш чораларини кўриши керак.

957¹⁵. ҲҚ экипажига аҳоли манзилгоҳлари устида парвозларни амалга ошириш вақтида ҲҚнинг эшикларини, люкларини, иллюминаторини очиш, шунингдек, парвоз топшириғида назарда тутилмаган ҳаракатларни бажариш тақиқланади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ
ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

113 Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-10*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 17 апрелдаги 343-В ва 14-сон қарори (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 401-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 3 март,
343-В-12-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 4 апрелда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи****Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 1 март,
8-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил
3 мартдаги 343-В-12-сон ва Бош прокуратура
хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2023 йил
1 мартдаги 8-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга
ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга
қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига
қиритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Ички назорат хизмати** — тижорат банкининг ички назорат тизимини бошқаришга жавобгар бўлган тижорат банкининг махсус бўлинмаси;»;
еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**тижорат банкининг ички назорат тизими** — жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этишга қаратилган ташкилий тузилма, методика ва тартиб-таомиллар мажмуи;»;

қуйидаги мазмундаги ўттиз иккинчи ва ўттиз учинчи хатбошилари билан тўлдирилсин:

«**электрон ҳамён** — электрон пуллар сақланадиган ва улардан фойдаланиш имконини берадиган электрон пуллар тизимининг дастурий таъминоти, микропроцессор (чип) ва дастурий-техник воситалар;

аккаунт — банкнинг мобил иловасида мижоз тўғрисидаги маълумотлар мажмуини ўз ичига оладиган ҳисобга олиш ёзуви.»

2. 11-банд қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ички назорат хизмати раҳбари сифатида фақат банкнинг бошқарув аъзоларидан бири тайинланади.»

3. 49-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилари билан тўлдирилсин:

«мижознинг банк картасидан банк мобил иловаси орқали бир вақтда ёки кўп мартаба 30 кундан ошмаган муддат давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада пул

маблағларини бир ёки бир нечта банк карталарига ёхуд электрон ҳамёнларга ўтказилиши;

мижознинг банк картасига бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада пул маблағларини бир ёки бир нечта банк карталаридан ёхуд электрон ҳамёнлардан келиб тушиши;

5 та ва ундан ортиқ банк картасидан (электрон ҳамёндан) банк мобил иловаси орқали бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида 1 та хорижий электрон ҳамёнга пул маблағларини ўтказилиши;

5 та ва ундан ортиқ банк карталарига (электрон ҳамёнларга) бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида 1 та хорижий электрон ҳамёндан пул маблағларининг келиб тушиши;

1 та банк картасидан (электрон ҳамёндан) банк мобил иловаси орқали бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида 5 та ва ундан ортиқ хорижий банк картасига ёки хорижий электрон ҳамёнга пул маблағларининг ўтказилиши;

1 та банк картасига (электрон ҳамёнга) бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида 5 та ва ундан ортиқ хорижий банк картасидан ёки хорижий электрон ҳамёндан пул маблағларининг келиб тушиши.».

4. 55-банд қуйидаги мазмундаги «л¹» ва «л²» кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«л¹) юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси;

л²) аккаунтларига 20 та ва ундан ортиқ банк карталари бириктирилган шахслар;».

5. 62-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

6. 70-банддан «шубҳали операция аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 71-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«71. Ҳар бир хабар тўғрисидаги маълумот махсус журналга киритилади. Махсус журнал электрон шаклда юритилади.».

8. 72 ва 91-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. 74-банднинг бешинчи хатбошисидан «операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10. 82-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«82. Махсус журналга операция ҳақидаги барча маълумотлар киритилади, хусусан махсус журналга киритиладиган маълумот тартиб рақами ва санаси, мижоз номи (мижоз хос рақамини кўрсатган ҳолда), операция тури, суммаси ва амалга оширилган санаси, мижоз контрагенти ҳақидаги маълумотлар, операция юзасидан маълумот тақдим қилган бўлинма номи, операция бўйича амалга оширилган чоралар тўғрисида маълумот, шу жумладан хабар берилган сана ва рақами ва бошқалар.».

11. 84-банддан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

12. 90-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«90. Ички назорат хизмати фаолиятида ишлатилган ҳужжатлардан (Марказий банк ва махсус ваколатли давлат органи билан ёзишмалар, шу жумладан махсус ваколатли давлат органига берилган электрон шаклдаги хабарлар, мижозларнинг электрон шаклидаги анкеталари, журналлар ва бошқалар) фойдаланиш имкониятини чегаралаш мақсадида бундай ҳужжатлар ва уларнинг рўйхати бевосита Ички назорат хизмати (масъул ходим) томонидан махсус жиҳозланган хонада ёки сейфда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида, лекин камида беш йил мобайнида сақланиши керак.»

13. 3-илованинг 7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Мижоз анкетасини тўлдирган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ
ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

114 Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3266-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2020 йил 24 июндаги 357-В ва 13-сон қарори (рўйхат рақами 3266, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й, 10/20/3266/1110-сон) билан тасдиқланган Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирилади.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 3 март,
357-В-5-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 4 апрелда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи****Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 24 февраль,
7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил
3 мартдаги 357-В-5-сон ва Бош прокуратура
хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2023 йил
24 февралдаги 7-сон қарорига
ИЛОВА

**Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари
операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар****1. 1-бандда:**

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«**ички назорат хизмати** — тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг ички назорат тизимини бошқаришга жавобгар бўлган тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг махсус бўлинмаси;»;

тўртинчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**ички назорат тизими** — жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этишга қаратилган ташкилий тузилма, методика ва тартиб-таомиллар мажмуи;»;

қуйидаги мазмундаги ўн саккизинчи ва ўн тўққизинчи хатбошилари билан тўлдирилсин:

«**юримдик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси** — чет давлатнинг қонунчилиқка мувофиқ юримдик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этилган ва ўз иштирокчиларининг (пайчиларнинг, ишонч билдирувчиларнинг ёки бошқа шахсларнинг) ёхуд бошқа бенефициарларнинг манфаатларини кўзлаб даромад (фойда) олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилий тузилма (фондлар, шерикликлар, ширкатлар, трастлар, жамоавий инвестициялар ва (ёки) ишончли бошқарувнинг бошқа шакллари);

аккаунт — тўлов тизими оператори ёки электрон пуллар тизими оператори ёхуд тўлов ташкилотининг мобил иловасида мижоз тўғрисидаги маълумотлар мажмуини ўз ичига оладиган ҳисобга олиш ёзуви.».

2. Қўйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹. Тўлов тизими оператори ёки электрон пуллар тизими оператори ёхуд тўлов ташкилотининг назорати остида ёки аҳамиятли таъсири доирасида битта ёки бир нечта пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар бўлган тақдирда ички қоидалар гуруҳий ёндашув асосида ишлаб чиқилиши ва қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш ва мижозларни лозим даражада текшириш учун зарур бўлган маълумотларни алмашиш қоидалари ва тартиб-таомиллари;

комплаенс назоратни, аудитни ва (ёки) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш функцияларини гуруҳ даражасида таъминлаш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадлари учун зарур бўлган ҳолларда филиаллардан ва шўба корхоналардан уларнинг мижозлари, ҳисобварақлари ва операциялари тўғрисидаги маълумотларни олинишини таъминлаш;

махфийликни ва маълумотлардан фойдаланишни етарли даражада ҳимоя қилиш.».

3. 8-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ички назорат масъул ходими сифатида фақат тўлов тизими операторининг, электрон пуллар тизими операторининг ёки тўлов ташкилотининг ижро этувчи (ижроия) органи аъзоси ёки раҳбарининг ўринбосари тайинланиши мумкин.».

4. 11-банд қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Масъул ходим мунтазам равишда малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курсларда иштирок этиб бориши лозим.».

5. 27-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Юридик шахс ва яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар бажарилаётганда қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

юридик шахс ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни;

юридик шахснинг раҳбарияти ҳақидаги, шунингдек таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар.

Ушбу Қоидалар билан юридик шахслар учун ўрнатилган талаблар юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасига нисбатан ҳам қўлланилади.

Мазкур маълумотлар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан

ўтказиш ва ҳисобга қўйишни автоматлаштирилган тизими орқали олинади, ушбу тизимдан маълумотларни олиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар бевосита миждозни ўзидан олинади.».

6. 28-бандда:

биринчи хатбошидаги «Юридик шахс ва юридик шахс бўлмаган ташкилотларни» деган сўзлар «Юридик шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «юридик шахс ёки юридик шахс бўлмаган ташкилотнинг» деган сўзлар «юридик шахснинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 31-банднинг тўртинчи хатбошисидан «ва юридик шахс бўлмаган ташкилотлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8. 33-бандда:

биринчи хатбошидаги «камайтириш бўйича тегишли чораларни кўришлари керак» деган сўзлар «минималлаштириш юзасидан тегишли режаларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишга доир чораларни кўришлари керак» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларидан ўзларида ўтказилган таваккалчиликларни баҳолаш натижаларини сўраб олишга ҳақли.».

9. 34-банд қўйидаги мазмундаги «г¹» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г¹) аккаунтларига 20 та ва ундан ортиқ банк карталари бириктирилган шахслар;».

10. 37-бандда:

қўйидаги мазмундаги олтинчи — ўн биринчи хатбошилари билан тўлдирилсин:

«1 та аккаунт ёки электрон ҳамёндан бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада пул маблағларини бир ёки бир нечта банк карталарига ёхуд электрон ҳамёнларга ўтказилиши;

1 та электрон ҳамёнга бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада пул маблағларини бир ёки бир нечта банк карталаридан ёхуд электрон ҳамёнлардан келиб тушиши;

5 та ва ундан ортиқ электрон ҳамёндан бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида 1 та хорижий электрон ҳамёнга пул маблағларини ўтказилиши;

5 та ва ундан ортиқ электрон ҳамёнга бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида 1 та хорижий электрон ҳамёндан пул маблағларини келиб тушиши;

1 та аккаунтдан (электрон ҳамёндан) мобил илова орқали бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида 5 та ва ундан ортиқ хорижий банк картасига ёки хорижий электрон ҳамёнга пул маблағларини ўтказилиши;

1 та электрон ҳамёнга бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида 5 та ва ундан ортиқ хорижий банк картасидан ёки хорижий электрон ҳамёндан пул маблағларини келиб тушиши;»;

олтинчи хатбоши тегишли равишда ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

11. 42-банднинг олтинчи хатбошисидан «ёки юридик шахс бўлмаган ташкилот» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

12. 44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. Шубҳали операция ҳақидаги хабар Ички назорат хизмати томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон қарори билан тасдиқланган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ махсус ваколатли давлат органига берилади.».

13. 47-банднинг тўртинчи хатбошисидан «операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

14. 66-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида масъул ходим ёки Ички назорат хизматининг фаолияти ички аудит хизмати ёки ташқи аудит томонидан текшириб борилади.».

15. 2-иловада:

номидан «, юридик шахс бўлмаган ташкилотлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

1-банддаги «Юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган ташкилотларни» деган сўзлар «Юридик шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«ж» кичик банддан «, юридик шахс бўлмаган ташкилот» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

115 “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida sud ekspertizasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi buyruq, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘shimchalarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil
5-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2202-6*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 21-fevraldagi 73-son “Sud ekspertisasi tadqiqotlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi namunaviy nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2023-yil 4-aprel,
5-mh-son

O‘zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2023-yil 4-apreldagi 5-mh-son
buyrug‘iga
ILOVA

**O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlar
RO‘YXATI**

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2011-yil 2-martdagi 53-mh-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida sud ekspertizasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2202, 2011-yil 2-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 9-son, 92-modda).

2. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2017-yil 7-iyuldagi 174-mh-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida sud ekspertizasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2202-1, 2017-yil 7-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 27-son, 633-modda).

3. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2017-yil 17-oktabrdagi 340-mh-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 5-aprelda e‘lon qilingan.

“O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida sud ekspertizasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2202-2, 2017-yil 17-oktabr) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 18.10.2017-y., 10/17/2202-2/0133-son).

4. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2018-yil 31-oktabrdagi 508-mh-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida sud ekspertizasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 14-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2202-3, 2018-yil 31-oktabr) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 31.10.2018-y., 10/18/2202-3/2139-son).

5. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2021-yil 2-dekabrda 22-mh-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida sud ekspertizasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2202-4, 2021-yil 2-dekabr) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 02.12.2021-y., 10/21/2202-4/1136-son).

6. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2022-yil 5-oktabrdagi 21-mh-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida sud ekspertizasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2202-5, 2022-yil 5-oktabr) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 05.10.2022-y., 10/22/2202-5/0895-son).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

116 Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-10*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари-га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кейин кучга кирилади.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 28 март,
8/11-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил
28 мартдаги 8/11-сон қарорига
ИЛОВА

Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом тижорат банклари (бундан буён матнда банклар деб юритилади) капиталининг монандлигига қўйиладиган талабларни белгилайди.»

2. 14-банднинг «г» кичик бандида:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 5 апрелда эълон қилинган.

«юридик шахслардан жалб қилинган бўлиши;»;

иккинчи — ўн тўртинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 18 ва 18¹-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар суммаси ҳар бир активнинг жами қийматини унга тегишли бўлган таваккалчилик даражасига кўпайтириш ва таваккалчилик бўйича аниқланган активлар йиғиндиси орқали топилади.

Бунда, активнинг жами қиймати деганда — активнинг банк балансида акс эттирилган асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоизлари, пеня, комисион ва бошқа фоизсиз тўловлари қолдигининг улар бўйича яратилган захира айрилган миқдори тушунилади.

18¹. Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар ҳисоб-китоби мазкур Низомнинг 1 — 3-иловаларида белгиланган таваккалчилик даражалари, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларга ажратиладиган кредитларнинг йиллик фоиз ставкасидан келиб чиқиб Марказий банк томонидан ўрнатиладиган таваккалчилик даражалари асосида амалга оширилади.».

4. 19-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 1-иловада:

8-позициянинг таваккалчилик даражаси устунидаги «20» рақами «0» рақами билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги 10¹-позиция билан тўлдирилсин:

«

10 ¹ .	Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари томонидан чиқарилган корпоратив облигациялар	20%
-------------------	---	-----

».

16 ва 17-позициялар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

16.	Сифати «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган активлар (мазкур илованинг бошқа позицияларидаги шартларни бажаришидан қатъи назар)	200%
17.	Бошқа барча активлар, бундан Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) 2 ва 3-иловаларида кўрсатилган ҳамда йиллик фоиз ставкасидан келиб чиқиб таваккалчиликка тортилган активлар мустасно	100%

».

6. 3-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

7. 4 — 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Тижорат банклари капиталининг
монандлигига қўйиладиган талаблар
тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

«Тижорат банклари капиталининг
монандлигига қўйиладиган талаблар
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Аҳолига ажратилган ипотека кредитларининг таваккалчилик ДАРАЖАЛАРИ*

Тавсифи	Кредит суммасини гаров суммасига нисбати (КГН)**			
	КГН<50%	50%≤КГН<75%	75%≤КГН<100%	100%≤КГН
Таваккалчилик даражаси	35%	50%	100%	150%

* Агар Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган мезонлардан бирига мувофиқ бўлса, мазкур талаблар қўлланилмайди.

** Аҳолига ипотека кредитлари ажратилишининг ҳадли шартлари тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 3269, 2020 йил 30 июнь) 6-бобида мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

117 Халқ табобатини ривожлантириш марказларига тингловчиларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3426*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ–4668-сон «Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Халқ табобатини ривожлантириш марказларига тингловчиларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 3 апрель,
7-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил
3 апрелдаги 7-сон буйруғига
ИЛОВА

**Халқ табобатини ривожлантириш марказларига
тингловчиларни қабул қилиш ва битирувчиларни
аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Халқ табобатини ривожлантириш марказларининг (бундан буён матнда Худудий марказлар деб юритилади) халқ табобати бўйича тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш ёхуд малака ошириш курсларига (бундан буён матнда ўқув курслари деб юритилади) тингловчиларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 8 апрелда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

талабгор — ўқув курсларига кириш истагини билдирган ҳамда камида умумий ўрта ёки ўрта махсус ёхуд профессионал маълумотга эга бўлган халқ табобати бўйича мутахассис, тиббиёт ходими ва тиббий маълумотга эга бўлмаган шахс;

тингловчи — ўқув курсларига қабул қилинган халқ табобати бўйича мутахассис, тиббиёт ходими ва тиббий маълумотга эга бўлмаган шахс;

битирувчи — ўқув курсларини тамомлаган халқ табобати бўйича мутахассис, тиббиёт ходими ва тиббий маълумотга эга бўлмаган шахс;

тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларни тайёрлаш (бундан буён матнда тайёрлаш деб юритилади) — тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларнинг халқ табобати фаолиятини амалга ошириши учун касбий билим, малака ва кўникмаларнинг зарур ҳажмини эгаллашга қаратилган таълим тури;

халқ табобати бўйича мутахассис ва тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш (бундан буён матнда қайта тайёрлаш деб юритилади) — таянч мутахассисликлар ва касбларга мувофиқ бўлган, шунингдек халқ табобати фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча касбий билим, малака ва кўникмаларнинг зарур ҳажмини эгаллашга қаратилган таълим тури;

халқ табобати бўйича мутахассис ва тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш (бундан буён матнда малака ошириш деб юритилади) — халқ табобати бўйича мутахассислар ва тиббиёт ходимларининг касбий билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгилаб борилишини таъминлаш, уларнинг тоифаси, даражаси, разряди ва лавозими ошишига хизмат қилишга қаратилган таълим тури.

2. Тингловчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Худудий марказлар томонидан амалга оширилади.

3. Ўқув курсларида тингловчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тингловчиларнинг асосий иш жойидан ажралган ҳолда амалга оширилади.

Худудий марказларда аудитория ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади.

4. Ўқув курсларида тингловчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (бундан буён матнда Соғлиқни сақлаш вазирлиги деб юритилади) томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари бўйича пуллик асосда амалга оширилади.

Бунда, ўқув курсларида тингловчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш қийматининг миқдори Республика халқ табобати илмий-амалий маркази (бундан буён матнда Республика маркази деб юритилади) томонидан белгиланади.

2-боб. Худудий марказларга талабгорларни қабул қилиш

5. Ўқув курсларида ўқиш учун талабгорлар Республика марказига мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

6. Республика маркази томонидан талабгорнинг аризаси келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида унда кўрсатилган маълумотлар ўрганиб чиқилади.

7. Талабгор томонидан ариза мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилмаган бўлса ёки аризада тегишли маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган ёхуд нотўғри кўрсатилган бўлса, Республика маркази томонидан талабгорга камчиликларни бартараф этиб, қайта мурожаат қилиш мумкинлиги тўғрисида ушбу ариза келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

8. Талабгор томонидан тақдим этилган аризада мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган камчиликлар аниқланмаган тақдирда Республика маркази ва талабгор ўртасида уни ўқитиш юзасидан шартнома тузилади.

9. Шартномада кўрсатилган ўқитиш қиймати талабгор томонидан шартномада белгиланган муддатда тўлиқ тўлангандан сўнг, талабгор Республика маркази директорининг буйруғи билан тегишли ўқув курсларига ўқишга қабул қилинади.

10. Талабгор томонидан шартнома имзоланмаган ёки ўқитиш қиймати шартномада белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда, талабгор ўқишга қабул қилинмайди ҳамда талабгорга бу ҳақда Республика маркази томонидан шу куннинг ўзида ёзма равишда хабарнома юборилади.

11. Қуйидагилар ўқув курсларига ўқишга қабул қилинмайди:
қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

психиатрия ёки наркология муассасаларида ҳисобда турадиган шахслар;
камида умумий ўрта ёки ўрта махсус ёхуд профессионал маълумотга эга бўлмаган шахслар.

Бунда, Республика маркази томонидан мазкур банднинг иккинчи — бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда, шу жумладан «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали зарур бўлган ҳужжат ва маълумотларни сўраб олиш орқали аниқланади.

3-боб. Битирувчиларни аттестациядан ўтказиш тартиби

12. Халқ таъбири бўйича мутахассис ёки тиббиёт ходими бўлган битирувчиларни аттестациядан ўтказиш учун Ҳудудий марказлар, тиббиёт олий таълим муассасалари, Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва давлат тиббиёт ташкилотларининг мутахассислари ичидан Республика маркази директорининг буйруғи билан камида беш кишидан иборат таркибда Аттестация комиссияси (бундан буён матнда Аттестация комиссияси деб юритилади) Ҳудудий марказларда ташкил этилади.

13. Тиббий маълумотга эга бўлмаган битирувчилар Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Халқ табобати усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус комиссия (бундан буён матнда Махсус комиссия деб юритилади) томонидан Худудий марказларда аттестациядан ўтказилади.

14. Аттестация комиссияси ҳамда Махсус комиссия йиғилишлари уларда тегишлилигига кўра, ўз аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этганида ваколатли ҳисобланади.

15. Битирувчиларнинг аттестацияси ўқув курслари тугагандан сўнг 10 кунлик муддат ичида ўтказилади.

16. Республика маркази ўқув режалари ва дастурлари мазмунини тўлиқ камраб олган ҳолда аттестация саволларини шакллантиради.

17. Аттестация саволлари аттестация бошланишидан камида 10 кун олдин тингловчилар эътиборига етказилиши лозим.

18. Республика маркази битирувчилар сонидан келиб чиқиб, аттестация саволлари вариантларини тузади ҳамда уларнинг ошкор этилмаслигини таъминлайди.

19. Аттестация ўтказиладиган хонага мобил алоқа воситаси, компьютер ёки бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоблар, луғат, шпаргалкалар ва бошқа материаллар олиб кирган, аттестация жараёнида улардан фойдаланган тингловчилар аттестация ўтказиш тартибини бузган деб ҳисобланади ҳамда далолатнома асосида аттестациядан четлаштирилади.

20. Аттестация суҳбат шаклида ўтказилади ва унинг натижалари баллар қўйиш йўли билан 100 баллик тизимда баҳоланади. Битирувчи 86 — 100 баллар оралиғида балл тўпласа, унинг билими «аъло» деб, 71 — 85 баллар оралиғида балл тўпласа «яхши» деб, 56 — 70 баллар оралиғида балл тўпласа, «қониқарли» деб баҳоланиб, аттестациядан ўтган деб ҳисобланади.

21. Аттестация натижалари бўйича битирувчи 55 ва ундан кам балл тўплаган ҳолларда унинг билими «қониқарсиз» деб баҳоланиб, аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланади.

22. Битирувчининг билимини баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

а) «аъло» баҳо (86 — 100 балл) олиш учун битирувчи:

ҳамма саволларга тўлиқ жавоб бериши, мустақил ва ижодий фикрлай олиши ва тўғри қарорлар қабул қилиши, эгаллаган кўникмаларни халқ табобатида қўллаш олиши, савол мазмуни ва хусусиятларини тушуниши;

ўқув дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослантириши;

халқ табобати бўйича терминологиядан аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри ифодалаши;

муаммоли ҳолатларда ўз позициясини асослаб бера олиши;

б) «яхши» баҳо (71 — 85 балл) олиш учун битирувчи:

ҳамма саволларга жавоб бериши, ижодий фикрлай олиши, тўғри қарорлар қабул қилиши, эгаллаган кўникмаларни халқ табобатида қўллаш олиши, савол мазмуни ва хусусиятларини тушуниши;

ўқув дастурининг бўлимлари бўйича тизимли ва керакли билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослантириши;

халқ табобати бўйича терминологиядан ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри ифодалаши;

муаммоли ҳолатларда ўз позициясини асослаб бера олиши;

в) «қониқарли» баҳо (56 — 70 балл) олиш учун битирувчи:

саволларга қисман жавоб бериши, савол мазмуни ва хусусиятларини тушуниши, савол ва фан мавзуси тўғрисида тасаввурга эга бўлиши, эгаллаган кўникмаларни халқ табобатида қисман қўллай олиши;

ўқув дастурининг бўлимлари бўйича билимга эга бўлиши, далиллар билан қисман асослантириши;

халқ табобати бўйича терминологиядан фойдаланиши, саволларга жавобни тўғри ифодалай олиши;

муаммоли ҳолатларда ўз позициясини қисман ифодалай олиши;

г) битирувчининг билим даражаси «қониқарсиз» баҳо билан (0 — 55 баллгача) баҳоланади, агар:

саволларга жавоб бера олмаса, савол мазмуни ва хусусиятларини тушунмаса, савол ва фан мавзуси тўғрисида тасаввурга эга бўлмаса, эгаллаган кўникмаларни амалиётда қўллай олмаса;

ўқув дастурининг бўлимлари бўйича етарли билимга эга бўлмаса, фақат айрим билимларга эга бўлса, зарур далиллар билан асослантира олмаса;

терминологиядан аниқ, ўз ўрнида фойдалана олмаса, саволларга жавобни тўғри ифодалай олмаса;

муаммоли ҳолатларда ўз позициясини ифодалай олмаса.

23. Аттестация натижалари у ўтказилган куннинг ўзида эълон қилинади ва комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланадиган, тегишли комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган йиғилиш баённомасида қайд этилади.

24. Республика маркази томонидан ушбу Низомнинг 2-иловасига асосан қайта тайёрлаш курсини муваффақиятли тамомлаган битирувчига диплом, малака ошириш курсини тамомлаган битирувчига эса сертификат тақдим этилади.

Бунда, Худудий марказларнинг тайёрлаш курсларини муваффақиятли тамомлаган, тиббий маълумотга эга бўлмаган битирувчиларга Махсус комиссиянинг хулосаси асосида мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда халқ табобатининг тегишли йўналишларида фаолият олиб бориш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилади.

Аттестациядан муваффақиятли ўтмаган битирувчига сертификат ёки диплом ёхуд гувоҳнома берилмайди. Бунда, битирувчига ўқув курсларида ўқишда қатнашганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.

25. Худудий марказларнинг ўқув режалари ва дастурларини ўзлаштирган, бироқ аттестацияда узрли сабабларга кўра (касаллиги, яқин қариндошларининг вафоти, меҳнат таътили, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлиши сабабли) иштирок этмаган ёки унда «қониқарсиз» баҳоланган битирувчилар ўқиш муддати тугагандан бошлаб 1 йил муддат ичида ўз аризасига мувофиқ қайта аттестацияни топшириш ҳуқуқига эга.

Бунда, битирувчи томонидан қайта аттестацияни топшириш учун тўлов ундирилмайди.

4-боб. Битирувчиларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш

26. Битирувчиларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг камида беш нафар мутахассисларидан иборат таркибда Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Худудий марказларда аттестацияни ўтказишга масъул бўлган шахсларнинг Апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

27. Аттестация комиссияси ва Махсус комиссиянинг қароридан норози бўлган битирувчилар аттестация натижалари эълон қилинган кундан бошлаб бир ой ичида Апелляция комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда апелляция шикояти беришлари мумкин.

Бунда, Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат қилган битирувчини шикоят кўриб чиқилишидан 2 кун олдин уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида огоҳлантиради.

28. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини, у келиб тушган кундан бошлаб 3 кун муддат ичида кўриб чиқади. Бунда, апелляция шикояти билан мурожаат қилган битирувчи мазкур шикоятни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

29. Апелляция комиссияси унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

30. Апелляция комиссияси аттестация жараёнида битирувчининг берган жавобларини улар акс этган видеотасвирларни кўриш орқали текширувдан ўтказишига йўл қўйилмайди.

31. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

аттестация натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

аттестация натижаларига ўзгартириш киритиш.

Апелляция шикоятини кўришда битирувчининг аттестация натижасида олган балини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

32. Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат қилган битирувчига ўз қарорини у қабул қилинган куннинг ўзида маълум қилиши керак.

33. Апелляция комиссиясининг аттестация натижаларига ўзгартириш киритиш ва битирувчини синов имтиҳонларини муваффақиятли топширган деб топиш тўғрисидаги қарори асосида битирувчига тегишли сертификат ёки диплом ёхуд гувоҳнома берилади.

34. Апелляция комиссияси қарори устидан битирувчи юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

5-боб. Яқуний қоидалар

35. Мазкур Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.



Халқ таъботини ривожлантириш
марказларига тингловчиларни қабул қилиш
ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА



Халқ таъботини ривожлантириш марказларига талабгор томонидан тақдим этиладиган аризининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

Республика халқ таъботи илмий-амалий марказига		
1.	Ариза берувчи шахснинг Ф.И.О.:	
2.	Яшаш манзили (республика, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, овул, кўча, хонадон рақами) тўлиқ кўрсатилади):	
3.	ЖШИР рақами:	
4.	Паспорт ёки ID-карта маълумотлари: (серияси, рақами, ким томонидан ва қачон берилган)	
5.	Боғланиш учун телефон:	
7.	Маълумоти: (умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий)	
8.	Тугатган таълим муассасасининг номи:	
9.	Диплом (шаҳодатнома) бўйича мутахассислиги, унинг серияси, рақами, берилган санаси ва берган таълим муассасасининг номи:	
10.	Малака оширганлик тўғрисидаги маълумотлар (қачон ва қайси ташкилот томонидан берилгани, серияси ва рақами, қайси мавзу бўйича малака оширганлиги):	
11.	Малака тоифасига эга эканлиги тўғрисидаги маълумотлар (қачон ва қайси ташкилот томонидан берилгани, серияси ва рақами, қайси ихтисослик бўйича тоифа берилгани):	
12.	Халқ таъботи мутахассислиги бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлашдан ўтиш ёки малакасини ошириш (бири танланади):	
13.	Таҳсил олиш истагини билдирган Худудий марказнинг номи	

14.	Ариза тўлдирилган сана:	
15.	Шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга розилиги (ариза берувчи шахснинг имзоси):	

Халқ таобатини ривожлантириш
марказларига тингловчиларни қабул қилиш
ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

	
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI	RESPUBLIKA XALQ TABOBATI ILMIY-AMALIY MARKAZI
SERTIFIKAT	
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi xalq tabobati ilmiy-amaliy markazida xalq tabobatining _____ yo'nalishi bo'yicha " ____ " _____ 20__ yildan " ____ " _____ 20__ gacha	
F.I.O. _____ _____ soat <u>malaka oshirdi.</u>	
<u>Muassasa rahbari</u> _____	F. I. O. _____
<u>Berilgan sana</u> " ____ " _____ 20__	<u>Amal qilish muddati</u> " ____ " _____ 20__
M. O'.	

	
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI	RESPUBLIKA XALQ TABOBATI ILMIY-AMALIY MARKAZI
DIPLOM	
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi xalq tabobati ilmiy-amaliy markazida xalq tabobatining _____ yo'nalishi bo'yicha " ____ " _____ 20__ yildan " ____ " _____ 20__ gacha	
F.I.O. _____ _____ soat <u>qayta tayyorlash kursini tamomladi.</u>	
<u>Muassasa rahbari</u> _____	F. I. O. _____
<u>Berilgan sana</u> " ____ " _____ 20__	<u>Amal qilish muddati</u> " ____ " _____ 20__
M. O'.	

Халқ таботатини ривожлантириш
марказларига тингловчиларни қабул қилиш ва
битирувчиларни аттестациядан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI	RESPUBLIKA XALQ TABOBATI ILMIY-AMALIY MARKAZI
GUYOHNOMA	
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi xalq tabobati ilmiy-amaliy markazida xalq tabobatining	
yo'nalishi bo'yicha " " 20__ yildan " " 20__ gacha	
F.I.O. _____ soat mutaxassislarni tayyorlash kursini tamomladi.	
<u>Muassasa rahbari</u> _____ F. I. O.	
<u>Berilgan sana</u> " " 20__	<u>Amal qilish muddati</u> " " 20__
M. O'.	

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 27 февралдаги 02-сон «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-91) қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-11.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 3 мартдаги 343-В-12-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2023 йил 1 мартдаги 8-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-10.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 3 мартдаги 357-В-5-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2023 йил 24 февралдаги 7-сон «Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» ги қарори.

2023 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3266-3.

4. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 4-apreldagi 5-mh-son "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida sud ekspertizasini o'tkazish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomani tasdiqlash haqida"gi buyruq, shuningdek unga o'zgartirish va qo'shimchalarni o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida"gi buyrug'i.

2023-yil 5-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2202-6.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 28 мартдаги 8/11-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 5 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-10.

6. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 3 апрелдаги 7-сон «Халқ таъбиотини ривожлантириш марказларига тингловчиларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3426.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. О‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2011-yil 2-martdagi 53-mh-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida sud ekspertizasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2202, 2011-yil 2-mart) shuningdek, unga kiritilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar (ro‘yxat raqami 2202-1, 2017-yil 7-iyul), (ro‘yxat raqami 2202-2, 2017-yil 17-oktabr), (ro‘yxat raqami 2202-3, 2018-yil 31-oktabr), (ro‘yxat raqami 2202-4, 2021-yil 2-dekabr), (ro‘yxat raqami 2202-5, 2022-yil 5-oktabr).

2023-yil 5-aprelda davlat reyestridan chiqarildi.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.